

5 АПРЕЛЬ – «ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН»
ГАЗЕТАСИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН



Жанубий Қозоғистон

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади 2026 йил 4 апрель, шанба, №36-37 (3682-3683).



»» Президент

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Давлат раҳбари Саудия Арабистони Қироллигининг Қозоғистон Республикасидаги элчиси Файсал ал Қаҳтонийни қабул қилди.

Президент Қасим-Жумарт Тўқаев Қозоғистон Саудия Арабистони билан ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлади.

Қозоғистон раҳбари Саудия Арабистони Валиаҳд шаҳзодаси ва Бош вазири Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауднинг икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди.

– Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад ибн Салмон жаҳон миқёсидаги кучли етакчи. Унинг илғор стратегияси, шунингдек, халқаро барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашдаги хизмати таҳсин ва ҳурматга лойиқдир, – деди Қозоғистон Президенти.

Файсал ал Қаҳтоний ўз мамлакатининг Қозоғистон Республикаси билан стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёригини қайд этди.

У яқинда имзоланган «Сар-



мояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим», шунингдек, икки мамлакат ўртасида Мувофиқлаштириш кенгашининг ташкил этилиши самарали алоқаларни қайта тиклашга йўл очишини таъкидлади.

Бундан ташқари, дипломат Саудия Арабистони раҳбариятига Яқин Шарқдаги мураккаб

вазират муносабати билан Қозоғистон Президенти томонидан кўрсатилган ёрдам учун самимий миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, у Қозоғистоннинг хосиятли Туркистон шаҳрида тинчлик музокараларини ўтказиш ташаббусининг долзарблигини таъкидлади.

Қасим-Жумарт Тўқаев минта-

қанинги барқарорлиги, хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари учун Саудия Арабистони ва Форс кўрфазидagi барча мамлакатлар раҳбарларига миннатдорчилик билдирди ҳамда дўст Саудия Арабистони халқига фаровонлик тилади.

Akorda.kz.

»» 2026 йил – Қозоғистон–Хитой маданият йили



МАДАНИЯТ ЭЛЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Kazinform. Пекиндаги Хитой миллий опера театрида Қозоғистон – Хитой маданият йилининг очилиш маросими ўтди. Байрам оқшомида икки мамлакатнинг етакчи санъаткорлари иштирок эттиди.

Иштирокчилар ва меҳмонларга ҚР Бош вазирининг ўринбосари – Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева ва Хитой Халқ Республикаси туризм ва маданият вазири Сунь Ели табрик нутқларини етказдилар.

Эслатиб ўтайти, 2026 йил Қозоғистон ва Хитой ўртасида маданий алмашинув йили деб эълон қилинган эди. Йил давомида икки мамлакат учун маданий тадбирлар дастури режалаштирилган.

Kazinform. Шимолий Орол денгизидagi сув ҳажми 2026 йил охирига келиб 23 миллиард куб метрга етади, 2022 йилда бу кўрсаткич 18,9 миллиард куб метрни ташкил этган эди. Бу ҳақда Орол денгизини қўтқариш халқаро жамғармаси Бошқаруви йиғилишида мутахассислар маълум қилишди.

Тадбирни очар экан, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қанат Бўзумбаев ташкилот ўзининг 33 йиллигини нишонлаганини таъкидлади. Бу вақт ичида жамғарма минтақавий мулоқот майдонига айланди. Унга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, ҳурмат ва шерикликка асосланган ҳолда давом этмоқда.

– Бу Марказий Осиёда сув, экология ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликдаги ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради. Трансчегаравий сув захираларини бошқариш ва Орол денгизининг ҳолатини яхшилаш борасида ижобий натижаларга эришидик, – деди Қ. Бўзумбаев.

ОРОЛГА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА



Тадбирда 22 апрелда Астанада Жамғармага аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши кун тартиби ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда ҚР Сув захиралари ва ирригация вазири Нуржан Нуржигитов, Тожикистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Сулаймон Зиёзода, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Тангригули Отахолиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Шуҳрат Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири

Шавкат Ҳамроев, Қирғизистон Республикаси Сув захиралари, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазири ўринбосари – Вазирлик қошидаги Сув захиралари хизмати директори Алмаз Жиеналиев, Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси Ижроия кўмитаси раиси Асхат Ўразбай иштирок этдилар.

ҚР Сув захиралари ва ирригация вазири Туркистон ва Қизилўрда вилоятларида сўғориш тизимларини янгилаш ва автоташлаштириш юзасидан 160та лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқмоқда.

қатъий риоя қилиш натижасида сўнги уч йил ичида Шимолий Орол денгизига 6 миллиард кубометрдан зиёд сув куйилди. Денгиздаги сув ҳажми 2022 йилда 18,9 миллиард кубометрга, 2025 йил охирига келиб эса 23 миллиард кубометрга етди.

ҚР Сув захиралари ва ирригация вазири Туркистон ва Қизилўрда вилоятларида сўғориш тизимларини янгилаш ва автоташлаштириш юзасидан 160та лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқмоқда.

МУҲТАШАМ СОЛНОМА: ЮРТ БИЛАН ҲАМНАФАС 35 ЙИЛ

Туркистон вилоятининг ўзбекзабон матбуоти майдонида етакчи бўлган ушбу газета яқшанба кун 35 ёшга тўлади.

Юртимиз Мустақиллигининг тенгдоши, ҳар бир газетанинги доимий ҳамроҳи, сеvimли рўзномаси – “Жанубий Қозоғистон” навқирон ёшда. Газета ҳафтасига уч марта хонадонингизга ташриф буюрмоқда. Бунинг учун она тилимизда чоп этилаётган вилоятдаги ягона давлат газетасига содиқ қолаётган барча газетхонларимизга чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Рўзнома тахламларини варақлаб, мутолаа қилсангиз, 1991–2026 йилларда мамлакат ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган кенг қамровли ишлар кўз олдингиздан бирма-бир ўта бошлайди.

Жамиятимиз ва янгиланган давлатимиз ҳаётида “Янги Қозоғистон” деган сўз воқеий ва чуқур мазмунни англатади.

“Янги Қозоғистон” бўлиб барчамизнинг қалбимизга жойлашган Ватанимизнинг, халқимиз тақдирининг 35 йиллик даврини атрофича ва теран идрок этиш, тафаккурлар силсиласи мақомида мулоҳаза юритишга ундайди ушбу солномалар.

Улардан хулоса шуки, ўтган даврда амалга оширилган ишларни, халқимиз кайфияти ва онгу шууридаги ўзгаришларни батафсил ёритиб борган эканмиз. Газетадан ўрин олган мақолаларни Янги Қозоғистонимиз нуфузига, ислохотлар шиддати бир зум ҳам тўхтамаган давр чизгиларига, одамларнинг турмуш тарзида, дунёқарашда кузатишган оламшумул ўзгаришларнинг тасвирига қиёслаш мумкин.

Кутлуғ санага бағишлаб китоб нашр этиш кўзда тутилмоқда. Унинг биринчи қисми нашрнинг 35 йиллик фаолияти, тахририятда меҳнат қилган инсонлар ҳаёти ва ижодига бағишланади. Иккинчи қисмида эса ўтган давр мобайнида чоп этилган энг сара мақолалар ўрин олади. Албатта, буни аниқлаш осон бўлмайди. Сабаби ўша йиллари берилган мақолаларни бир-биридан устун қўйиш, бирини иккинчисидан ажратиб кўрсатиш жуда қийин. Чунки газетада чоп этилган мақолаларнинг аксариятини энг сара, дейиш мумкин. Ҳар бири ўзгача иштиёқ, ўзгача шашт, ўзгача завқ билан битилган аниқ кўриниб турибди. Энг муҳими, мақолалар кетма-кетлигида мамлакатимизнинг ўша даврдаги ижтимоий кайфияти акс этганига ғувоҳ бўласиз.

Рўзномамиз турли мавзулардаги ранг-баранг, дилтортар мақола, хабар ва янгиликлар билан ҳар бир газетхоннинг қувончу ташвишларига шерик, сирдош дўст, давлат ва жамият орасида ҳолис воситачи бўлиб қолаверади.

“Газета саҳифаларидан ҳаёт нафаси уфуриб туриши шарт”, деган эди нашрнинг биринчи бош муҳаррири Собиржон Юсуфалиев. Дадил айтиш мумкинки, бу маҳорат илк йиллардаёқ газетамиз ижодкорлари учун ўзига хос ва бетакрор услуб сифатида шаклланиб улгурган.

Президент фаолиятининг кенг ёритилиши, халқимиз, юртимиз равнақи, ислохотлар кўлами, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, орзулари, миллий кадрлар таъғирисидagi мақолалар бериб борилаётганлиги нашрда шаклланган услубнинг энг тотли меваларидан бири.

Оммавий ахборот воситаларининг биринчи галдаги вазифаси жамоатчилик фикрини ижобий шакллантиришдан иборат.

Инсонни турли ахборотлар, янгиликлар, маълумотлар билан қуроллантириш ҳам унинг зиммасида. Айниқса, аҳолининг маънавий-маърифий дунёқарашини кенгайтириш, маданий савиясини юксалтиришга кўмаклашиш бу соҳа ходимлари олдида турган яна бир долзарб вазифадир.

Тахририят жонқуярлари билан ҳамкорлик орқали илгари сурилаётган мавзуларни ҳар томонлама тўқис ва мукамал ёритишга эришмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, таваллудининг ўттиз беш йиллигини нишонлаётган “Жанубий Қозоғистон” доимо халқ билан бирга, у том маънода маънавият жарчиси ва халқ минбарига айланди.

Муштарийлар сафининг ортиб бориши жамоамизга юксак масъулият юклайди. Биз эса билдирилган ишонччи оқлашга доим тайёрмиз.

Байрам муборақ, азиз муштарий!

Райимжон АЛИБОЕВ,
бош муҳаррир.

»»Бизнинг мусохаба



– Мейржан Мейрамбекули, вилоят хокими Нуралхан Күшеров раҳбарлигида минтақамизнинг фитосанитария хавфсизлиги ва чигиртка зараркунандасига қарши кураш масалаларига бағишланган йўналишда долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Аини пайтда бу борадаги аҳвол билан таништирсангиз.

– Вилоят бюджети ҳисобидан йил сайин тегишли маблағ ажратилиб, зарарсизлан-тириш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 535 миллион тенге ажратилиб, 150 минг гектар майдонга кимёвий ишлов берилди. Жорий йилда, бу каби тадбирларга 133 миллион тенге маблағ кўзда тутилган, 36 минг гектар ҳудудга ишлов бериш режалаштирилган. Арис шаҳри, Келес, Сарноғоч, Чордара туманларида далаларга ишлов берилди. Аини дамда давлат харидлари бошланган.

Ўтган йили минтақада чигирткага қарши 715,3 минг гектар майдонда кимёвий ишлов бериш тадбирлари амалга оширилиб, 341та махсус техника ва 900дан зиёд осма пуракагич кўлланилди. Жами 2700дан зиёд одам бу ишга жалб этилди.

– Жорий йилдаги режалар қандай?
– Бу йил 11та туманда 421,5 минг гектар майдонда мароқаш чигирткасига қарши кимёвий ишлов бериш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фитосанитария хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, чигиртка каби хавфли зараркунандаларга қарши кураш куннинг долзарб масаласи. Вилоятимиз ҳар йили чигиртка муаммосига дуч келади. Бу муаммо, айниқса, деҳқон хўжаликларига ҳамда сабзавоткорлар учун ўта долзарб. Экин майдонларини зараркунандалардан муҳофаза қилиш, ҳосилдорликни сақлаб қолиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хўжаликларга ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бош мутахассиси Мейржан Жамадил билан мулоқотда бўлдик.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ – ҲОСИЛДОРЛИК КАФОЛАТИ

Аини пайтда молиялаштириш ҳажмига мурофиқ 374,1 минг гектар майдонни қамраш кўзда тутилмоқда. Тадбирларга жами 2030 нафар одам жалб қилиниши режалаштирилган. Шундан 65 нафар йўриқчи, 65 нафар таҳлил маркази мутахассиси, 200 нафар ветеринария соҳаси мутахассиси, 400 нафар табиати муҳофаза қилиш ходими ва 1100 нафар муваққат аниқловчилар иштирок этади. Шунингдек, агротехник тадбирлар доирасида 2,2 минг гектар майдонда ер ҳайдаш ишлари амалга оширилди. Ушбу усул зараркунандалар кўпайишини 35-50 фоизга камайтириш имконини беради. Афсуски, сўнгги йиллардаги қурғоқчилик таъсирида чигирткалар тарқалиш хавфи мавжуд. Шу боис жорий йилда кураш чораларига 400дан ортиқ пуракагич техника, 4та «АН-2» самолёти ва дронлар жалб этилади. Ҳудуд 65та шўъбага бўлиниб, ишчи гуруҳлар бириктирилган. Шунингдек, қўлланиладиган кимёвий дориларни аниқлаш зарур. Эндиликда самарадорлиги юқори янги дорилардан фойдаланиш режалаштирилган.

– Кимёвий ишлов қачон бошланади?
– Об-ҳаво шароитига қараб, апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида бошланиш режалаштирилади. Чигирткаларнинг фаол ривожланиш жараёни 8 йилдан 13 йилга қадар давом этади ва ўртача ҳар 8 йил-

да энг юқори даражага етади. Уларнинг сўнгги юқори фаоллик даври 2017 йилда қайд этилган, шунингдек, ўтган йили ҳам чигирткалар сонининг кескин кўпайиши кузатилди.

Ўтган йили 192 минг гектар майдон республика бюджети маблағи эвазига, 180 минг гектари маҳаллий бюджет ҳисобидан, 343 минг гектари эса тадбиркорлар кўмагида амалга оширилган. Кимёвий ишлов бериш тадбирларига 909та осма пуракагич, 276та ер усти пуракагич техникаси, 4та самолёт ва 7та дрон жалб этилди. Ишлов бериш жараёнида “Тиаметрин”, “Каратэ 050”, “Ахиллес”, “Пиларкин” ва “Ацет 200” кимёвий дорилар қўлланилди.

Амалга оширилган тадбирлар туфайли минтақаларда чигирткалардан келадиган хавф бартараф этилди. Жорий йилда вилоятда ўта хавфли чигирткага қарши кимёвий ишлов бериш ишларини ер усти пуракагичлари, «АН-2» самолёти, осма пуракагичлар ва дронлар ёрдамида амалга оширилади. Умуман олганда, фитосанитария ҳолат мунтазам назоратда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги тадбирлар давом этаверади.

– Мусохаба учун ташаккур!

М. САЪДУЛЛАЕВА.

СОЛИҚ КОДЕКСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: КУТИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида солиқ қонунчилиги ҳам босқичма-босқич такомиллашмоқда. Жорий йилдан эътиборан, кучга кирган янги Солиқ кодекси қатор янгиликлар ва имтиёзларни ўз ичига олди. Айниқса, транспорт воситалари солиғи бўйича киритилган ўзгаришлар кўплаб фуқаролар ва тадбиркорлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан вилоят бўйича Давлат даромадлари департаментининг кўрсатилган хизматлар бошқармаси раҳбари Сауле Ширинбекова билан мулоқотда бўлиб, қатор саволларга атрофлича жавоб олдик.



– Сауле Абдашимқизи, суҳбатимизни янги Солиқ кодекси, шу жумладан, транспорт солиғидаги асосий ўзгаришлардан бошласан.

– 2026 йил 1 январдан кучга кирган “Қозоғистон Республикасининг Солиқ ва бюджетга тўланадиган асосий ўзгаришлар тўловлар тўғрисида”ги Кодекс доирасида транспорт воситаларига солинадиган солиққа оид қатор муҳим ўзгаришлар жорий этилди. Ушбу ўзгаришлар жисмоний шахслар ва тадбиркорларга бевосита таъсир кўрсатади.

– Транспорт солиғини кимлар тўлайди? Солиқдан кимлар озод қилинади?

– Транспорт воситалари солиғини:
● Транспорт воситасига эга жисмоний шахслар;
● Бошқарув ҳуқуқи асосида транспорт воситасига эга ҳуқуқий шахслар тўлайди.

Солиқни жисмоний шахслар яшаш жойига кўра тўлайди. Тўлаш муддати – ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар.

Янги таҳрирда ҳам айрим ижтимоий тоифалар учун имтиёзлар сақлаб қолинган. Жумладан:

- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- “Халық қаһарманы”, “Қазақстанның Еңбек Ері” унвонлари соҳиблари;
- Кўп болали оналар (“Алтын алқа”, “Күміс алқа” ҳамда “Батыр ана” нишонлари соҳибалари);
- Давлат муассасалари ва давлат ўрта таълим муассасалари;
- Махсус солиқ тартиби асосида фаолият юритадиган деҳқон ёки фермер хўжаликлари раҳбарлари ва (ёки) аъзолари.

Ушбу шахслар битта транспорт воситаси учун транспорт солиғини тўлашдан озод қилинади.

– Солиқ қиймати қандай ҳисобланади?

– Транспорт солиғи аввалгидек, ОХК асосида ҳисобланади ва транспорт турига қараб фарқ қилади:

- Мотоцикллар – қувватига қараб (1-10 ОХК);
- Енгил автомобиллар – двигател хажмига қараб;
- Юк машиналари – юк кўтариш қувватига қараб (3-9 ОХК);
- Автобуслар – ўринлар сонига қараб (9-20 ОХК);
- Тракторлар – 3 ОХК;
- Сув транспорти – двигател қувватига қараб (6-55 ОХК);
- Учиш аппаратлари – ҳар бир кВт учун 4 фоиз;
- Темир йўл локомотивлари – ҳар бир кВт учун 1 фоиз.

Яна бир муҳим янгиликка тўхталсан. Эски автомобиллар соҳибларига имтиёз берилади.

Янги кодексга кўра:
● 10-20 йил ишлатилган автомобилларга – 30 фоизли имтиёз;
● 20 йилдан ошган автомобилларга – 50 фоизли имтиёз кўзланган. Ушбу

меъёр аҳолининг молиявий юкларини камайтиришга қаратилган. Автомобиль ўғирланган ҳолатда солиқ тўлаш тўхтатилади. Агар автомобиль ўғирланган:

- Жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб солиқ ҳисоблаш тўхтатилади;
- Автомобиль топилган бўлса, шу кундан эътиборан, солиқ қайта ҳисобланади.

Автомобиль қийматига боғлиқ ўзгариш мавжуд.

Илгари двигатель хажми катта бўлган автомобиллар учун солиқ миқдори:

- 2013 йилгача – тахминан 471 944 тенге;
- 2014 йилдан кейин – 791 300 тенге бўлган.

Янги ўзгаришларга мувофиқ, мазкур миқдор 320 000 тенгегача камайтирилди. Автомобиль сотишдаги солиқларга келсан.

● Агар автомобиль 1 йилдан ортиқ эгалликда бўлса – солиқ солинмайди;

● Агар 1 йилдан кам бўлса – даромад солиғи (хусусий даромад солиғи) тўланади ва декларацияда (270.00 шакл) кўрсатилади.

– Солиқ тўланмаса, қандай чоралар қўлланилади?

- Агар солиқ тўланмаса:
1. Аввало, солиқ тўловчига хабарнома юборилади;
- 2. 30 иш кун ичида тўланмаса – солиқ буйруғи чиқарилади;
- 3. Шундан сўнг 5 иш кун ичида иш хусусий суд ижрочиларига йўлланади.

Мухтасар қилиб айтганда, 2026 йилдан кучга кирган янги Солиқ кодекси транспорт солиғи тизимини анча янгилайди. Айниқса, эски автомобилларга имтиёзлар жорий этилиши ва солиқ юкларини камайтирилиши аҳоли учун ижобий ўзгариш бўлади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва фуқаролар янги талабларга аввалдан тайёргарлик кўриб, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўлашлари муҳим. Бу қўшимча харажатлар ва ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, янги меъёрларга мувофиқ, транспорт солиғини мулк ҳуқуқи асосида транспорт воситасига эга бўлган жисмоний шахслар ҳамда бошқарув ҳуқуқи асосида транспорт воситасига эга бўлган транспорт воситасига эга бўлган ҳуқуқий шахслар тўлайди. Жисмоний шахслар учун солиқ тўлаш муддати аввалгидек – ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелигача сақланиб қолади.

Шу муносабат билан, 2025 йил учун ҳисобланган транспорт солиғини 2026 йил апрелига қадар тўлаш зарур. Белгиланган муддатда тўланмаган бўлса, қарз миқдорига ўсим (пеня) ҳисобланишини эслатиб ўтаман.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

САМАРАЛИ ДАВР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Шу йил 6 апрель кун Туркистон шаҳрида “Қозоғистон соҳавий таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Туркистон вилоят ташкилоти” жамоат бирлашмасининг навбатдаги ҳисобот анжумани ўтади. Сана арафасида ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишларга, ортга назар ташласан.

2021 йили вилоят ташкилоти қайта ташкил этилганда, фаолият қайтадан бошланди, десак муболага бўлмайди. Касаба уюшмаси аъзолари сонини кўпайтириш, ташкилот таркибини кучайтириш, фаолиятнинг асосий вазифаларини такомиллаштириш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди. Умуман олганда, ўтган беш йиллик давр улкан таъриба мактабига айланган. Бизнинг муваффақиятларимиз асосида аъзолар ўртасидаги муносабат ўзгарди ва ҳар бир ходимнинг ижтимоий шароити диққат марказида бўлди.

Бугунги кунда касаба уюшмаси фаолиятидаги тушунмовчиликларни ҳал этиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитувчи ва олимларнинг мақомини ошириш борасида фаол иш юритилмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий кафолат сифатида ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш ва дам олишлари ташкил этилмоқда.

Ўтган беш йил мобайнида соҳавий касаба уюшмасининг 100 йиллиги ва Қозоғистон касаба уюшмасининг 120 йиллиги юксак савияда нишонланди. Ушбу саналарнинг Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев эълон қилган «Ишчи касблар йили» билан бақамти келиши меҳнат одамнинг жамятдаги нуфузини орттиришга туртки берди.

2022 йилда бошлангич касаба уюшмалари сони 168та (16571 аъзо) бўлса, 2025 йилда уларнинг сони 235тага (22847 аъзо) етди. Улар сонининг ортиши ташкилотга бўлган ишончнинг яққол далилидир.

Касаба уюшмаси таркибида ҳозир 11502 нафар хотин-қиз бўлиб, бу борада гендер сиёсати қўллаб-қувватланаётгани акс этмоқда. Ўтган давр мобайнида касаба уюшмаси ҳуқуқшунослари кўмагида судга 18та материал тайёрланиб, 23 нафар касаба уюшмаси аъзосига бепул ёрдам кўрсатилди. 7 нафар аъзо қайта ишга олинди, уларнинг 3 нафари суд орқали, 2 нафари меҳнат нозирлиги, 2 нафари эса келишув комиссияси орқали ишга қайта олинди, ноқонуний ишдан бўшатилишининг олди олинди.

Касаба уюшмаси фаолиятининг самарадорлиги давлат органлари билан ўрнатилган самарали мулоқот орқали баҳоланади.

Ҳисобот даврида Туркистон вилоят касаба уюшмаси ташкилоти таълим соҳаси ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи қатор муҳим ҳужжатларни имзолади. Янги имкониятлар сари йўл келишувлар орқали самарали. Сўнгги беш йилда соҳавий тараққиётнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган муҳим келишувлар имзоланди.

2021-2023 йиллар: инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси билан ҳудудий-соҳавий келишувга келиниб, умумий мақсадлар белгиланди.

2024-2026 йиллар: вилоят таълим бошқармаси билан янги босқич учун ижтимоий ҳамкорлик борасида ҳудудий шартнома имзоланди. Ушбу ҳужжат соҳа ходимлари иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва касбий малака масалаларини



тизимли ҳал этишнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Касаба уюшмаси фаолиятининг энг йирик ютуқларидан бири – дастлабки босқичда, яъни таълим муассасаларида меҳнат муносабатларини тартибга келтиришдан иборат.

Ҳисобот даврида вилоят бўйича 400дан зиёд жамоавий шартномалар имзоланди (2021-2023, 2024-2026 йиллар). Бу оддийгина қозғо эмас, балки таълим муассасаларидаги ходимларнинг ижтимоий кафолатлари, дам олиш вақти ва юклама ҳақларини қонуний жиҳатдан белгилаб берувчи асосий ҳужжатдир.

Барча шартномалар ва меморандумларнинг асосий мақсади ягона – Туркистон вилоятининг таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир фуқаронинг ижтимоий кафолатларини кучайтириш ва уларнинг касбий мақомини юксалтиришдан иборат.

Бирлик бор жойда – барака бор, дейди доно халқимиз. Биз бирга бўлсан, ҳар қандай чўққини забт этаман!

Жандўс ШАЙДУЛЛАУЛИ,
Қозоғистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Туркистон вилоят ташкилоти раиси.

»» Молиявий саводхонлик

ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ



Ҳар бир истеъмолчининг сифатли товар, иш ва хизматлар билан таъминланиш ҳуқуқи ҚР “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни билан мустаҳкамланган устувор талабдир. Афсуски, ушбу асосий ҳуқуқлар ҳақида кўплаб фуқаролар етарлича маълумотга эга эмас.

Натижада айрим ноинсоф сотувчилар бу ҳолатдан фойдаланиб, истеъмолчиларни чалғитишга уринмоқда. Хусусан, савдо нуқталарида тез-тез олинган “Товар қайтариб олинмайди ёки алмаштириш мумкин эмас” деган ёзув қонунга зид ҳисобланади. Бу каби эълонлар сотувчининг ички қонидаси бўлиши мумкин, аммо у қонундан устун тура олмайди. Демак, “қайтариб бўлмайди”, деган ёзувлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш – очикдан очик қонун бузилишидир.

Ҳуқуқни билиш – уни ҳимоя қилишдаги биринчи қадамдир. Аввало, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини давлат ўз зиммасига олган. ҚР Ҳукуматида қарашли ҚР Савдо ва интеграция вазирлигининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ва унинг ҳудудий департаментлари фуқаролар-

нинг мурожаатларини кўриб чиқиб, қонуний чоралар кўради. Шунингдек, Конституция, ҚР қонунлари ва ҚР Президентининг ҳужжатларида ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан истеъмолчи томонидан ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобласангиз, e-tutynushy.kz, Egov.kz портали ёки eGov Mobile иловаси орқали мурожаат йўллаб, ўз ҳуқуқларингизни тиклашингиз мумкин.

Фуқаролар нафақат яқка тартибда, балки жамоат бирлашмалари орқали ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга. Акс ҳолда, истеъмолчи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли давлат органлари ва судга мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат идорасига мурожаат қилишдан аввал истеъмолчи сотувчига ёки хизматлар ижрочисига ёзма равишда аризани тақдим этади. Унда исм-шарифи, ИИН, сотувчига тегишли маълумотлар, савдо-сотикни тасдиқловчи маълумотномалар (чипта, фото, кўчирма нусха ва бошқалар) кўрсатилиши шарт. Агар сотувчи ариза билан танишиб чиққанган кейин ҳам бирорта чора кўрмаса, унда судга мурожаат қилиши лозим.

Энг муҳими, сиз харид қилган маҳсулот учун сотувчидан қвтанция беришни талаб қилинг. У сизни судда ҳимоя қилиш учун энг зарур восита ҳисобланади.

Марғулан АМАНГЕЛДИ,
виллоят савдо ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш департаменти бош мутахассиси.

»»» “Қишлоқ омонати”



ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Вилоятимизда давлат “Қишлоқ омонати” дастури доирасида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳа натижасида қишлоқларда тахминан 5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Дастур Қозоғистон Президенти топшириғига мувофиқ амалга оширилиб, қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш ва даромадларни оширишга қаратилган. 2023-2026 йиллар мобайнида ушбу лойиҳа учун 30,2 миллиард тенге ажратилган бўлиб, шу маблағлар ҳисобидан минглаб лойиҳалар молиялаштирилган.



Ҳозирги кунга қадар 4 221та лойиҳа амалга оширилиб, 4 635та янги иш ўрни яратилди. 79та қайта ишлаш корхонаси ишга туширилиб, 593та иссиқхона мажмуаси (29,3 гектар майдонда) барпо этилди, чорва моллари сони 76 887 бошга кўпайди. Манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар сони 441 кишига камайдди.

Дастур доирасида қайта ишлаш, матлубот ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, туманларда ишлаб чиқариш бинолари қуриш ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш режалаштирилган.

2026 йилда қўшимча равишда 15,3 млрд тенге жалб қилиниб, яна 1 151та лойиҳа амалга оширилади ҳамда 2 468та иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Шунингдек, қайта ишлаш соҳасига 4,6 млрд тенге йўналтирилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»»» Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга

ЖАНУБДАН – ШИМОЛГА: МЕҲНАТ БОЗОРИ МУВОЗАНАТИ ЙЎЛИДА



Қозоғистонда аҳоли миграциясини тартибга солиш ва меҳнат захираларини қайта тақсимлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, аҳоли зич жойлашган жанубий ҳудудлардан ишчи кучи етишмайдиган шимолий вилоятларга кўчириш дастури сўнгги йилларда изчил амалга оширилмоқда.

Туркистон вилояти аҳоли сони тез ўсиб бораётган ҳудудлардан бўлиб, бу ерда меҳнат захиралари нисбатан ортқича. Шу боис вилоятдан шимолий ҳудудларга ихтиёрий кўчиш жараёнлари фаоллашган.

2025 йил якунига кўра, Туркистон вилоятдан 407 оила, жами 1 634 нафар фуқаро шимолий ҳудудларга кўчиб борган. Уларнинг асосий қисми Шимолий Қозоғистон (971 нафар), Павлодар (372 нафар), Қўстанай (128 нафар) ва Шарқий Қозоғистон (93 нафар) вилоятларини танлаган.

Ушбу рақамлар вилоят аҳолиси ички миграция жараёнида етакчи ўринлардан бирини эгаллаётганини тасдиқлайди.

2025 йилда мамлакат бўйича 7 605 нафар фуқаро шимолий ҳудудларга кўчирилган бўлиб, уларнинг аксарияти янги

жойда иш билан таъминланган. Шу билан бирга, умумий миграция фаоллиги ҳам ошган: 2025 йилнинг 9 ойида 1,3 миллиондан зиёд киши яшаш жойини ўзгартирган.

Кўчиб борган фуқароларга давлат томонидан бир марталик нафақалар, уй-жой билан таъминлаш ёки компенсация, шунингдек, ишга жойлаштириш имкониятлари яратилмоқда. Янги ташаббусларга кўра, айрим ҳолатларда кўчиш учун молиявий сертификатлар ҳам ажратилиши режалаштирилган.

Дастур самарадорлигини яна бир жиҳат тасдиқлайди: кўчиб борганларнинг аксарияти янги жойда муқимлашиб қол-



Серпін 2050

моқда. Умумий ҳисобда кўчганларнинг тахминан 6 фоизигина орқага қайтган. Вилоятда шимолий ҳудудлар – Қўстанай, Шимолий Қозоғистон, Павлодар ва Шарқий Қозоғистон вилоятлари вакиллари иштирокида аҳоли билан учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда.

Хусусан, ўтган йили Мақтаарал ва Саригоч туманларида 60 нафардан зиёд шимоллик вакиллари иштирокида тадбирлар ташкил этилди. Уларда “Минтақалараро бўш иш ўринлари ярмаркаси” ўтказилиб, мактаб битирувчиларига “Серпін” дастури ҳақида тушунтиришлар, маслаҳатлар берилди.

– Шимолий Қозоғистон вилоятида 7 миллион гектардан зиёд қишлоқ хўжалигига яроқли ер мавжуд. Бироқ ишчи кучи етарли эмас. Шу боис Мақтаарал тумани каби аҳоли зич ҳудудлардан фуқароларни жалб этмоқдаимиз. Кўчиб келганларга уй-жой, ер ажратилиб, ўз хўжалигини ривожлантириш имконияти яратилмоқда, – деди Шарқий Қозоғистон вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари ўринбосари Алтинбек Абдуллаев.

Учрашувлар давомида Мақтаарал туманида 1000 нафардан зиёд фуқарога турли соҳалар бўйича бўш иш ўринлари таклиф этилди. Натижада 97 оила шимолга кўчиш истагини билдирди.

Саригоч туманида ўтган тадбир ҳам самарали бўлди. 500га яқин киши иштирок этган ярмаркада 600дан зиёд иш берувчи қатнашиб, 800га яқин бўш иш ўрни таклиф этилди. Натижада 124 оила Қўстанай, Павлодар, Шимолий ва Шарқий Қозоғистон вилоятларига кўчишга қарор қилди. Шу жумладан, Саригоч туманидан 71 оила шимолий ҳудудларга кўчиб бориб, уй-жой ва иш билан таъминланди.

Жанубдан шимолга кўчиш дастури аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, ҳудудлар ўртасидаги демографик ва иқтисодий номуаносибликни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Туркистон вилояти мисолида ушбу жараённинг амалий натижалари яққол кўринмоқда.

Келгусида ушбу дастурни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ҳудудларида барқарор тараққиётини таъминлаш мумкин.

А. АБДУФАТТОҲ

Апрель ойидан эътиборан Қозоғистон ҳаётида қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилади. Улар аҳолининг кундалик турмушига ҳам, тадбиркорлик ва иқтисодиётга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Қуйида асосий янгилликларга тўхталамиз.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР: ЖАРИМА ВА ЎСИМЛАР КЕЧИРИЛАДИ

Янги Солиқ кодекси доирасида солиқ афви жорий этилди. Унга кўра, кичик ва микро бизнес вакиллари 2026 йил 1 январгача юзага келган солиқ қарзининг асосий қисмини 1 апрелга қадар тўласа, уларга ҳисобланган ўсим ва жарималар тўлиқ бекор қилинади. Муҳими, бунинг учун алоҳида муружаат қилиш шарт эмас.

КОММУНАЛ ТАРИФЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Октябрдан буён амал қилиб келинган коммунал хизматлар нархларига мораторий тугади. Энди тарифлар босқичма-босқич оширилиши мумкин. Бироқ нархлар пул қадрсизланиши даражасидан (9-12 фоиз) ошмаслиги белгиланган.

АИ-92 БЕНЗИНИ НАРХИ ЭРКИНЛАШТИРИЛАДИ

Ижтимоий аҳамиятга молик АИ-92 бензинига қўйилган чеклов бекор қилинди. Энди унинг баҳоси бозор қоидалари асосида шаклланади. Бу эса бензин қимматлашиши эҳтимолини оширади.

МИЛЛИЙ БАНК БАЗАВИЙ СТАВКАНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚАДИ

24 апрель куни Миллий банк базавий ставка бўйича янги қарорини эълон қилади. Ҳозирча ставка 18 фоиз даражасида сақланмоқда. У кредитлар ва депозитлар фоизига бевосита таъсир кўрсатади.

КЎЧМАС МУЛК ТИЗИМИДА – ЭЛЕКТРОН ШАРТНОМАЛАР

Апрель ойидан кўчмас мулк тизимида тўлиқ электрон шартномаларга ўтилади. Барча келишувлар “Казреестр” тизимида рўйхатдан ўтади. Бу фуқаролар маблағини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

ЯНГИ ТЕМИРЎЛ ВАГОНЛАРИ ЙЎЛГА ҚУЙИЛАДИ

Апрель ойида “Stadler” компаниясининг илк замонавий вагонлари ишга туширилиши кутилмоқда. Улар эски “Тальго” поездларини босқичма-босқич алмаштиради.

ЯМТГА АРИЗА ТОПШИРИШ БОШЛАНАДИ

10–25 апрель кунлари абитуриентлар ЯМТга

АПРЕЛЬ ЯНГИЛИКЛАРИ: ИСЛОҲОТЛАР, ИМТИЁЗЛАР ВА ЯНГИ ТАРТИБЛАР



масофадан ариза топширишлари мумкин. Янги қоидаларга кўра, тестга келолмаганлар кейинроқ қайта топшириш имконига эга бўлади.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ДОИР ЎЗГАРИШЛАР

Пенсия жамғармасидан маблағни муддатидан аввал олиш дастаги қайта кўриб чиқилиши мумкин. У ҳар йили тахминан 10 фоизга оширилиши режалаштирилмоқда.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ТАРТИБИ ЯНГИЛАНАДИ

1 апрелдан давлат хизматига қабул тўлиқ рақамлаштирилади. Номзодлар онлайн ариза бериб, тест топшириб, синовдан ўтади.

Энг юқори балл тўплаган беш номзод навбатдаги танлов босқичига ўтади. Раҳбарлик лавозимлари учун иншо ва суҳбат, манتيқий фикрлашни баҳолашга қаратилган амалий топшириқлар ва психометрик тестлар (IQ, EQ, SQ) жорий этилади.

Бундан ташқари, шахсий фазилатлар танловдан ташқари баҳоланади.

САРФ-ХАРАЖАТЛАРИНГИЗ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

Қозоғистонликлар томонидан биринчи чоракда амалга оширилган мобил ўтказмалар бўйича банклардан олинган дастлабки маълумотлар 2026 йил 15 апрелгача солиқ идораларига тақдим этилади.

Кимлар солиқ идоралари эътиборига ҳавола қилинади? Жисмоний шахс 100 ёки ундан ортиқ турли шахслардан ўтказмалар олса, бундай ўтказмалар кетма-кет уч ой давомида амалга оширилса ва бу давр учун умумий қиймат 1020 000 тенгедан ошса.

Агар ўтказмалар шахсий бўлса, фуқаро буни исботлай олади.

ФУҚАРОЛАР МУДДАТИ ЎТГАН ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИНИ ОНЛАЙН РАВИШДА ЯНГИЛАШЛАРИ МУМКИН

2026 йил апрель ойидан эътиборан қозоғистонликлар ҳайдовчилик гувоҳномаларини eGov.kz портали ва eGov Mobile иловаси орқали, ҳатто уларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам янгилашлари мумкин. Ушбу ўзгариш барча тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларига тегишли.

Илгари онлайн хизмат фақат амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлганлар учун, шунингдек, йўқолиш, ўғирлаш ёки исм ўзгариши ҳолатларида мавжуд эди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин уни алмаштириш мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни талаб қилади. Тиббий кўрикдан ўтганлар учун ариза автомат равишда давлат ахборот тизимларидан маълумотларни юклаб олади.

Шунингдек, Рақамлаштириш ва сунъий идрок вазирлиги апрель ойидан бошлаб онлайн аризаларга устувор аҳамият қаратилишини маълум қилди. Улар келажақда рақамли ҳайдовчилик

гувоҳномасини янгилашга тўлиқ ўтишни режалаштирилмоқдалар, бу навбатларни камайтиради ва давлат хизматлари марказларига бориш заруратини бартараф этади.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

2026 йил апрель ойидан қурол айланмаси ва хавфсизлик фаолиятига оид қонунчиликдаги ўзгаришлар кучга киради.

Фуқаролик ва хизмат милтиқ қуроллари эгалари синов отишларидан ўтишлари шарт бўлади. Ички ишлар вазирлиги қоидабузарликлар учун рухсатномаларни тўхтатиб қўйиши мумкин.

ҚОЗОҒИСТОНДА ЭНГ ҚУЙИ ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

2026 йил 1 апрелдан 30 июнгача Қозоғистон Евроосий иқтисодий иттифоқи мамлакатларидан импорт қилинадиган қатор товарлар, шунингдек, айрим маҳаллий маҳсулотлар учун энг қуйи нархларни белгилайди.

Нархлари тартибга солинадиган маҳсулотлар қаторига творог (1 килоси 1 822 тенгедан), пишлоқ (2 985 тенгедан), тухум (бир донаси 41 тенгедан), картошка (бир килоси 90 тенгедан), қарам (72 тенгедан), сабази (106 тенгедан), олма (175 тенгедан), ун (175 тенгедан), кунгабоқар ёғи (451 тенгедан) ва макарон (248 тенгедан) каби маҳсулотлар қиради. Уларнинг баҳоси белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

Энг қуйи нархлар мавсумий бозор ҳолатини инобатга олган ҳолда ҳар чоракда қайта кўриб чиқилади.

АСТАНА АЭРОПОРТИНИНГ ПАРВОЗЛАР ЖАДВАЛИ ЎЗГАРАДИ

2026 йил 15 апрелдан 31 майгача Астана аэропорти учинчи йўлагини таъмирлаш ишлари тўғрисида парвозлар жадвалини вақтинча ўзгарилади. Учунчи йўлга ҳар куни соат 10:00дан 18:00гача ёпиқ бўлади.

“Air Astana” авиакомпанияси ўзгаришлар Астанадан Алматы, Қўстанай, Ўскемен, Атирау ва Ақтўбе шаҳарларига, шунингдек, Астанадан Сеул, Франкфурт, Пекин, Тошкент, Дубай, Фукуок, Нячанг ва Истанбул шаҳарларига ички ва халқаро рейсларга таъсир қилишини маълум қилди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

>>> Мозийдан садо

ОҚ ЙЎЛ!

Хурматли ўқувчилар!
Бугун сиз «Дўстлик байроғи» – халқ ноиблари Чимкент вилоят Кенгаши ва Қозоғистон Компартияси вилоят кўмитасининг ўзбек тилидаги рўзномасининг биринчи сонини қўлингизга олдингиз.

Мазкур рўзнома 55 йиллик танаффусдан кейин чиқариш вилоятимиз ҳаётида катта воқеалардан бири саналади. Қайта қуриш ва ошқоралик шарофати билан 300 мингга яқин кишини ташкил этувчи қардош ўзбек халқининг вакиллари рўзномани она тилида ўқийдилар.

Шубҳасиз, «Дўстлик байроғи» ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларни ҳолисона ёритади, миллатлараро муносабатларнинг яхшиланшига, ўзбек миллий маданияти, тили ва анъаналарининг тикланиши ва сақланишига, вилоятимиз ҳудудда яшовчи барча халқлар ва миллий гуруҳлар ўртасида маънавий алоқаларнинг ривожланиши ва мустақамланишига имкон яратади.

«Дўстлик байроғи»нинг ҳамма ўқувчилари ва ходимларини рўзноманинг биринчи сони чиқиши билан табриклаб, ҳаммагизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақият тилайман, янги нашр журналлари ва ишчи-қиллоқ мухбирларига: қаламингиз ўткир бўлсин, меъёр ва масъулият ҳисси ёдингиздан кўтарилмасин, демоқчиман.

С. ТЕРЕШЧЕНКО,
халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси,
вилоят партия кўмитасининг саркотиби.

«Дўстлик байроғи» газетаси.
5 апрель 1991 йил. 1 (2)-сон.



«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ХАЛҚ МИНБАРИ, МАЪРИФАТ ЧИРОҒИ

Туркистон «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг 35 йиллик тарихи Қозоғистондаги ўзбек матбуотининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу нашр нафақат ахборот манбаи, балки миллий ўзлиқни англаш, маънавий юксалиш ва жамият фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутиб келаётган нуфузли минбардир.

Мустақиллик даври матбуот учун янги имкониятлар, эркин фикр ва ҳолис сўз майдонини яратди. Ана шу жараёнда «Жанубий Қозоғистон» газетаси ўз ўқувчилари ишончини қозониб, халқ дардини ёритувчи, уларнинг орзу-умидларини акс эттирувчи

маҳорат мактабини ўтадим. Газетада фаолият юритган С. Юсуфалиев, Ҳ. Қўқоров, И. Жуманов, И. Хўқиев, Ҳ. Муҳиддинов, бугунги кунда хизмат қилаётган М. Абубакиров, А. Бўронбоев, З. Мўминжонов, М. Усмонова, Н. Мавлонова, М. Саъдуллаева,

қелиқни акс эттиришдаги беқиёс аҳамиятини кўрсатади. Шунингдек, машҳур ёзувчи Оноре де Бальзак: «Матбуот – бу тўртинчи ҳокимият», деган сўзлари билан унинг жамият ҳаётига таъсирини ифода этган.

Ўзбек маърифатпарвари Аб-



лантириб келмоқда. У нафақат ахборот тарқатувчи восита, балки маърифат, тарбия ва кадрият рамзидир.

Нашрга икки марта раҳбарлик қилган пайтларимда таҳририятнинг моддий-техника базасини мустақамлашга, ҳафтада бир бора чоп этилаётган «Жанубий Қозоғистон» газетасининг икки бора чоп этилишига, адади кўпайишига урғу беришга ҳаракат қилгандик. Уйлайманки, ҳаракатларимиз беиз кетмади. «Эл қалбида» китобининг чоп этилиши эса суяқли нашримизнинг 25 йиллик тўйига ўзига хос совға бўлгани кўларнинг ёдида.

Фахримиз, гуруримиз, ору номусимиз бўлган «Жанубий Қозоғистон», таваллудинг муборак бўлсин!

Фахриддин ҚОРАТОВЕВ,
давлат ва жамоат арбоби,
ҚР Парламенти VI-VII
қақриқ депутати.



ҳақиқий минбарга айланди. Унда чоп этилган ҳар бир мақола – очерк ва лавҳа жамият ҳаётидаги долзарб масалаларга бефарқ бўлмаган ижодкор қаламкашлар меҳнатининг самарасидир.

Ушбу нашрдаги фаолиятим ҳам умримнинг энг сермазмун ва унутилмас саҳифаларига айланган. Бу масканда мен нафақат касбий тажриба орттирдим, балки юксак маънавият ва журналистик

Х. Қўқоров каби тажрибали журналистлар самарали ижодлари билан эл орасида юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз қалами, ўз услуби билан газета тарихида ўчмас из қолдирган.

Буюк мутафаккирлардан бири, немиш файласуфи Артур Шопенгауэр: «Газеталар – замоннинг иккинчи тарихидир», дея таъкидлаган. Бу фикр матбуотнинг во-

дулла Авлоний эса: «Матбуот – миллат ойнасидир», дея таъкидлаб, унинг миллат маънавияти ва тараққиётидаги ўрнини белгилаб берган. Дарҳақиқат, ҳар бир газета ўз халқининг кечмиши, бугуни ва келажагини ўзига мужассам этади.

«Жанубий Қозоғистон» газетаси ҳам ана шундай ойна сифатида йиллар давомида халқ ҳаётини ёритиб, ижтимоий фикрнинг шакл-

Бугунги кунда республика-мизда ягона ўзбекзабон давлат нашри саналган «Жанубий Қозоғистон» газетаси чоп этила бошлаганига ҳам 35 йил тўлибди.



Гарчи айтишга осон бўлса-да, ортада қолган ҳар бир йил, ҳатто куннинг газета ҳаётида тутган ўз ўрни мавжуд. Утиш даври қийинчиликлари, иқтисодий тақчиллик ҳукмронлик қилган йиллардан эсон-омон ўтишининг осон бўлмагани таҳририятнинг иссиқ-совуғидан хабардор ҳамкасбларим ёдидан ўчмас керак.

Ҳа майли, гап бу ҳақда эмас. Муҳими, «Жанубий Қозоғистон»

бугунга келиб, халқимизнинг чинакам кўзгусига айланиб улгурди. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутадиган, саҳифаларини бирма-бир варақлаб, мутолаа қиладиган ўз ўқувчилари, содиқ муштарийлари бор. Ортада қолган йиллар мобайнида таҳририятда Қозоғистондаги ўзбек журналистиксининг ҳақиқий дарғаларидан иборат ижодий жамоа шаклланди.

Таҳририятда орттирган 34 йиллик иш тажрибамга таяниб айтманки, газетанинг оммабоп бўлиши раҳбариятга эмас – ижодий жамоага боғлиқ. Ўз касбининг чинакам фидоийлари бор бўлган газета доимо қизқарли ва харидорғир бўлаверади.

«Жанубий Қозоғистон» таҳририятида ана шундай ўз касбига чинакам меҳр қўйган, таҳририятга бировлар орқали эмас, истеъдоди етаклаб келган журналистлар, тилшунослардан иборат ижодий жамоа тўпланган.

35 йил муқаддам газетанинг илк нишона сони марҳум журналистлар Юсуфжон Сайдалиев, Собиржон Юсуфалиев, Ислон Абдунабиев ва айни кезде «Жанубий Қозоғистон» газетаси бош муҳаррири ўринбосари лавозимида фаолият юритаётган Муроджон Абубакировлар етакчилигида Сайрам туманида, аниқроғи, камини етакчилик этаётган «Сайрам садоси» таҳририятида тайёрланиб, босмадан чиққани тарихдан малум.

Инсон ҳаётига назар ташласак,



унинг ўсиб, камол топган даври билан бир қаторда туғилган юрти, киндик қони томган жойи тилга олинаб, қадрланади.

Алқисса, «Жанубий Қозоғистон» газетасининг илк сони бизнинг таҳририятда тайёрлангани учун ҳам бу газета мен учун доимо қадрлидир.

Абдусаттор УМАРОВ,
Сайрам туманидаги
«Мартўбе», «Сайрам садоси»,
«Пульс Сайрама» газеталари
бошини бириктирган
«Исфиджаб» МЧБ директори.

Газета ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалари билан минтақадаги барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни ривожлантириб, маънавиятни юксалтириб, кўплаб зиёлиларни тарбиялаб келмоқда. Нашрда эл зиёлиларининг қатор катта авлод вакиллари меҳнат қилиб, жамиятдаги сиёсий, маънавий ва маданий бақарорликка улкан ҳисса қўшди. Авлодлар ворисдошлиги, халқ манфаатига асосланган ижодий анъана бугун ҳам давом этмоқда.

Матбуот – кўзгудир. У ҳаётни ёритадиган давр кўзгусидир. Бугун тарихга айланиб, саҳифалари сарғайиб кетса-да, бағрида ўн, юз йиллик даврни, ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларни сақлаб келаётган газета-журналлар маънавий бойлигимиз. Зеро, матбуот илдизи бир неча юз йилликларга бориб тақалади. Саҳифаларида турмуш, синоат, маданий қурилиш, қўйинги, бутун бир жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни вазминлик билан акс эттириб, тарих зарварақларига муҳрлайди.

«Жанубий Қозоғистон» газетасининг асосий обуначилари – кенг жамоатчилик – устоз-мураббийлар, тиббиёт ходимлари ва фахрий ҳордиқ гаштини сураётган кадрли қарияларимиз. Биз улар билан ҳамма ҳамма фахрланамиз.

Интернет замони келди, газета керакми, деган гаплар юқори ташкилотлардаги раҳбарлар томонидан ҳам таъкидланаётганига гувоҳимиз. Интернет тезкор, қулай, қолаверса, ҳамёнбоп бўлиши мумкин, лекин газета варақлаганда димоғингизга урилган ҳид берган завқни ундан тополмайсиз. Ҳа, бугун босма нашрларнинг куни битди, деб жар солаётганлар бор. Чунки

матбуот – тарих. Масалан, 80-100 йил аввал чоп этилган «Дехқон товуши», «Қизил қишлоқ», «Пахта зарбдори» газеталарини айтмаганда, 35 ёшдаги «Жанубий Қозоғистон» рўзномасини бир варақлаб кўринг. Нафақат даврни, балки одамларнинг тафаккури, фикрлаши, дунёқараши, яшаш тарзи билан ҳам айнан газета орқали танишинингиз мумкин. Шу боис, босма нашрлар ҳеч қачон ўлмайди. Бугунги меҳнатимиз тарихига муҳрланмоқда. Вақти келиб, ёш авлод бизни ҳам газета орқали эслайди.

Мен юқорида босма нашрларнинг афзаллигига бежиз тўхталмадим. Биз ажойиб замонда яшаймиз. Атрофимиздаги олам жадал суръатларда, таниб бўлма даражада ўзгармоқда. Шу боис, ўсиб келаётган авлод билан ишлаш нафақат ўқитувчилар, балки барча маънавият соҳасида меҳнат қилаётган инсонларнинг ҳам масъулиятини юксалтириши шубҳасиз.

Янги Қозоғистон ёшлар маънавий оламини шакллантиришда, уларнинг мустақил фикрлаш, ўз она юртига меҳри ва садоқатини мустақамлашда оммавий ахборот воситалари, ижод аҳли фаол қатнашишлари керак. Жамият устозлар ва биз журналистларни маънавият

ТАҲРИРИЯТ – ИЖОД АҲЛИНИНГ ҲАЁТ МАКТАБИ

**МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ, ЎЗБЕК МАТБУОТИНИНГ ЯЛОВБАРДОРИ
«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» ВИЛОЯТ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ 35 ЁШГА ТЎЛДИ.**

жарчилари дея таърифлайдилар. Дарҳақиқат, жамиятда ўқитувчилик касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши керак. Жажжи болажонларнинг қўлига қалам тутқазадиган, Ватан, Она, Тинчлик, Орзу, Меҳр зиёсини сочадиган инсон бу – муаллимлар. Бугунги замонавий мураббий матбуотдан ажралмаган ҳолда, дарс жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиши зарур.

Раҳматли волидаи муҳтарамам Муҳаббат Тўхтамиш қизи рус тили ва адабиёти, падали бузрукворим Қаноат Умаров эса кимё фанидан ўқитувчи эдилар. Ёдимда, 50 йил муқаддам почта қутисига ташлаб кетилган «Гулистон», «Саодат», «Гулхан», «Гунча», «Ўқитувчилар газетаси», «Известия», «Шарқ юлдузи» каби газета-журналлар уйимизда сақланган.

Ҳозирги ўқитувчи битта газетага обун бўляптими? Ҳа, битта эмас, 2-3та газетага ёзилаётганлари ҳам бор. Аммо, ақсариятининг газетага муносабати дилларни хира қиладди.

Замонлар ўзгарди, жамият тараққиётга юз бурди. Буларнинг барчаси тарихий жараён. Лекин ҳар қандай даврда ҳам журналистика қолди қўйилган ҳолислик, ҳозиржавоблик, эркинлик,

журъатлилик, ҳалоллик талаблари ўзгармаган. Аниқроғи, бу мезонларсиз у халқ минбарига айлана олмайди.

35 йил давомида мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг мустақам гарови сифатида сиз азиз муштарийлар билан бирга одимлаб келяпмиз. Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайди. Ахир ота-боболаримиз оғир ва мураккаб шароитларда ҳам ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани ва муваффақиятларга эришгани тарихлардан малум. Биз ҳам энг буюк кадриятлар, тарихимиз ва маънавиятимизни асраб-эъзозлайдиган авлодлардан бўлишимиз шарт ва зарур.

«Жанубий Қозоғистон» газетаси ҳам шонли йўлни босиб ўтмоқда. Уни давом эттириш бугунги давр қалам аҳли учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Байрам муборак бўлсин азиз ҳамкасблар ва хурматли газетхонлар!

Мухтабар УСМОНОВА.

ХОНАДОНЛАРИМИЗДА ОФТОБ БЎЛИБ ТУРСИН

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг чоп этила бошлаганига 35 йил тўлиди. Бу тарих учун жуда қисқа давр. Лекин кенг жамоатчиликка хизмат қилаётган жамоаси шу қисқа вақт ичида халқимизга манзур бўлиб, маданият, санъат, илм-фан, адабиёт, тарих, спорт соҳаларида баҳоли қудрат қалам тебратмоқда, қолаверса, кўп асрлик меросимизни элга кенг танитиб келмоқда. Айниқса, миллатдошларимиз орасидаги истеъдодли, эл назарига тушган инсонлар ҳақида қалам тебратиби, оламга танитиб келмоқдалар.

Вилоят ўзбек маданият марказини бошқарган кезларим газета бош муҳаррири, марҳум Собиржон Юсуфалиев раҳнамолигида ҳар бир тадбиримиз, йиғилишларимиз узлуксиз ёритиб бориларди. Бу марказимиз учун ўзига хос муваффақият эди. Ҳа, миллий марказлар учун матбуот билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши, ўзига хос шараф, эътироф эди. Газеталарнинг обрўси баланд эди... “Казахстанская правда”, “Оңтүстік Қазақстан”, “Южный Казахстан” газеталари, маҳаллий ўзбекзабон нашрлар билан ишлаш биз учун фахр эди.

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг дунёга келишида, оёққа туришида кўп миллатдошларимиз фидойилик кўрсатишди. Улар ҳақида устоз Фарҳод Асилонинг китобидан ўқиб, билганимиз. Яна бир нарсани мамнуният билан қайд этаманки, шахсан ўзим 2006 йил 27 апрелдан 2013 йил 10 июнига қадар таҳририятда бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият юритдим. Бу давр мен учун катта ҳаёт мактаби бўлди. Иброҳим Хуккиев, Ҳавазмат Қўчқоров, Мухтор Мухаммедов, Ислом Абдунабиевларни устоз сифатида биламан. Яна шу нарсага қатъий амин бўлдимки, ўзбек

маданият марказида фаолият юритган айрим ҳамкасбларим ўзбек тилига лоқайд муносабатда бўлиб, ҳатто оддий сўзлашувнинг ҳам уйдасидан чиқа олмасдилар. Лекин устоз отлик гўзал неъматдан баҳраманд бўлиш бахти менга nasib этди. Ҳам тахририятнинг касбий жамоаси, ҳам моҳир устоз-мураббийлар Бегмат Турдиқулов, Турсунбой Исмоилова, Раҳбарой Мухаммадҷонова, Анора Отажонова, Нурхон Дўсметова, Шахло Норалиева, Маҳфуза Мусаева, Неъматжон Алметов каби она тилимиз равнақиға умрини баҳшида этган эйбларим даврасида фаолият юритишдан баҳраманд бўлдим.

Бугунги кунда сеvimли газетамизда хизмат қилаётган ходимларнинг деярли барчаси она тилимизнинг гўзаллигини ошқора этишмоқда, қалам аҳли ҳам ўта тажрибали. Мен “Дўстлик байроғи”нинг нишона сонини сақлаб қўйганман. Уз вақтида таниқли журналист, ахборот вазири Дархан Минбай “Жанубий Қозоғистон”ни миллатнинг мафқураси, йўлбошчиси деб таърифлаган эди. Мен сафарларда кўп бўламан, хусусан, Ўзбекистонга борган чоғимда ҳаммisha газетанинг янги сонларини олиб бора-



Совет даврининг шундай бир қойдаси бор эди: фуқаронинг ҳарбий хизматда ўтказган ҳар бир йили икки йилга ҳисобланарди. Чунки аскарлар одатдаги турмушдагидан кўра анча кўпроқ жисмоний ва руҳий кучини сарфлашига тўғри келади. Ва, албатта, умр аслида ортда қолган кунлар билан эмас, амалга ошган ишлар, кўз ўнгимизда юз берган воқеалар, ниҳоясига етказилган жараёнлар билан ўлчанади. Агарда шу мезон билан ҳисобласак, газетанинг, оммавий ахборот воситасининг босиб ўтган ҳар бир йилини бемалол учга кўпайтириш мумкин. Яъни, гарчи ҳозирча ўттиз бешга чиққан бўлса ҳам, «Жанубий Қозоғистон»ни бемалол юз йиллик иш «стажи»га эга, дейиш мумкин.

ман. Яқинда Самарқандда Амир Темур таваллудига бағишланган катта тадбир ўтди. Уша ерда ўзбекистонлик сенатор, “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев “Жанубий Қозоғистон”га ўз табригини йўллаган эди.

Сўзимнинг сўнггида шуни айтмоқчиманки, кимки газета-журнал, китоб кўпроқ ўқиса, ақли чархланади, тафаккури кенгайди, нутқ маданияти юксалади. “Жанубий Қозоғистон” бу борада беминнат суянч, дўстдир. Кўп йиллик иш жараёнида каминанинг англагани шу бўлдики, ким ўз она тилида кўп мутлола қилса, бошқа тилларни ҳам енгил ўзлаштирар экан.

Мустиқиллик билан тенгдош она тилимиздаги рўзномамизга қўшалок тўйлар насиб этаверсин, ҳар даврда адади кўп бўлиб, меҳрибон суҳбатдош сифатида хонадонларимизда офтоб бўлиб турсин, дегим келади.

Иқром ҲОШИМЖОНОВ,
ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг
фахрий раиси,
Халқроқ Амир Темур жағфармаси
республика бўлими раиси.

КЕЧАГИДЕК ЁДИМДА БАРИ...



Чоп этилаётган нишона сонидан буён “Жанубий Қозоғистон” газетасининг ҳар бир сонини қўлимга оларканман, қалбимда гайриоддий фараҳбаш туйғу пайдо бўлади. Бу менимча фахрдир, гурурдир. Нима бўлганда ҳам ижобий туйғу.

Саҳифаларда ўтган 35 йил давомида босиб ўтилган шонли йўл, тарих зарварларига муҳрланган лаҳзалар, амалга оширилган тадбирлар, маънавий тизимимизни боғлашган муштарий ушбуларни мутлола қиларкан, тарихга қайтади, кўз ўнгимизда ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар гавдаланади.

«Дўстлик байроғи»нинг нишона сонини чиққан кун ҳамон ёдимда. Ушанда журналистлар Собиржон Юсуфалиев, Юсуфжон Сайдалиев, Мираҳмад Мирҳолдоров, Муроджон Абубакировларнинг шодланганини кўриб, мен ҳам бағоят қувонганман. Худди ушбу газетани ўзим чоп этгандай ҳолатда эдим. Ҳатто бу воқеани журналистлар билан ўзига хос тарзда нишонлаган онларимиз кўз ўнгимизда.

Газета – маърифат жарчиси. Маънавийтимиз кўзгуси. Миллат, халқ минбари.

35 йил мобайнида нашримиз бообру рўзномага айланди, кўпчиликка танилди, ўз ўрни ва овозига, муштарийларига эга бўлди.

Мен газетанинг адади ўсишига дастлабки кунларда ноқ хисса қўшганим билан фахрланаман. Яна бир қувончли жиҳат – «Жанубий Қозоғистон» газетаси ўтказган танловларнинг бирида фаол жамоатчи муҳбир сифатида совриндор бўлганман. Ютқўқ – тасмалли магнитофон эди. Чунки бош айтганимдай, бу – фаол иштироким, энг кўп обунани уюштирган-ним учун қимматбах овозга эди...

Деярли ой сайин мақолаларим газета саҳифаларини безаб келган. Давр, тақдир тақозоси шу экан, эндиликда кексаллик, соғлиқ туфайли қаламим ўтмаслашгандай... Бироқ газета билан дўстона алоқаларни узмаганман. У ҳафтамизга уч бора хонадонимизга ташириб буюриб, бизнинг ганимат лаҳзаларимизни беэмоқда.

Тахририят ходимлари, қадрингиз баланд бўлсин. Биз – биргамиз!

Одилжон ХОЛМУРОДОВ,
жамоат арбоби.

ЖАНУБ МАШЪАЛИГА МЕҲРИМ ЎЗГАЧА

Ҳар гал “Жанубий Қозоғистон” газетаси ҳақида уйлаганимда, ўтган аср 80-йилларнинг охиридада ўзим фаолият юритган Сайрам туманидаги “Меҳнат байроғи” газетаси тахририятда газетани нишона сонини дунё юзини кўргани кўз олдимда гавдаланади.

Ҳануз ёдимда, вилоятда ўзбек тилидаги рўзномамиз қайта тиклаш мақсадида бир гуруҳ миллат фидойилари бел боғлаган бир паллада, айнан бизнинг тахририятда марҳум журналистлар С. Юсуфалиев, М. Мирҳолдоров, Ю. Сайдалиев ва ҳозирда забардаст журналист М. Абубакиров ҳамда яна бир қанча ижодкорлар ҳамроҳлигида “Дўстлик байроғи”нинг нишона, кейинроқ дастлабки сонини тайёрланганди. Чунки ўша вақтда тахририятнинг манзили ҳали аниқланмаган эди. Кўп вақт ўтмай газета тўлақолини фаолиятини бошлади. Гарчи камини туман газетасида ишлаётган бўлсамда, миллатдошларимизнинг кўп йиллик оруз-умидлари рубга чиққанидан бешақд қувонган ва фахрланган эдим. Бунини қарангки, бир кун келиб, ўзим ҳам “Жанубий Қозоғистон” тахририяти жамоаси сафига қўшилдим. Йиллар оша, рўзноманинг маълум-моҳияти бойиб, республикадаги етакчи нашрлардан бирига айланганида, оз бўлса-да каминанинг



ҳам камтарин хизматлари мавжудлигидан фахрдиман. Зеро, тахририятда иқтидорли журналистлар қавми шаклланган эди. Шу ўринда ўзим билган ва ижодий ҳамкорлик қилган устозу ҳамкасбларим номини тилга олиб ўтмоқчиман.

Булар – республикага таниқли моҳир журналистлар М. Абубакиров, И. Абдунабиев(марҳум), З. Мўминжонов, Ҳ. Қўчқоров(марҳум), М. Йўлдошева, М. Усмонова, М. Саъдуллаева, Н. Мавлонова ва бошқаларидир. Айни пайтда рўзнома сифат ва шакл жиҳатидан яна бойиб, газетонлар эътиборига тушаётгани ҳақиқат.

Мавриди келганда, сеvimли газетамизнинг аҳил жамоасини, ҳамкасбларимни 35 йиллик тўйларини билан чин дилдан қўшлаб, келгуси ижодий ишларида парвозлар тилаб қоламан.

Исломқул НИЁЗАЛИЕВ,
фахрий журналист.

ГАЗЕТА – ХАЛҚ МИНБАРИ

Қадрли ҳамюртлар!

Халқимизнинг фахри ва ифтихорига айланган жонажон “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 35 йиллиги хусусида сўз юритишдан аввал, мен бу муқаддас даргоҳда қандай фаолият юритганим тўғрисида сизлар билан ўртоқлашишни жоиз кўрдим.

Мен, қадимдан тарихчи алломалар томонидан мадҳ этиб келинаётган Сайрамсуб ва Оқсув дарёларини оралиғидаги ҳавоси мусаффо, табиати гўзал гўшада жойлашган Қорамурт қишлоғи сувини ичиб, воёга етганман.

Матбуотга 1991 йили салкам 60 ёшимда “Аср бошидаги ўйлар” мақоласини ёзиб, кирди келдим. Ижод маҳсулими “Жанубий Қозоғистон” газетасининг бош муҳаррири Собиржон Юсуфалиев ва журналистларда катта таассурот қолдирган эди.

1991 йил 5 апрелдан ўзининг илк қадамини қўйган газетамиз 35 йил мобайнида халқимиз тарихини ёритиш билан биргалликда вилоят

тимизда рўй бераётган воқеалар, ҚР Президенти ва Ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, миллатлараро дўстлигини мустаҳкамлашга оид ранг-баранг мақолалар ҳамда таниқли ота-боболаримиз, иқтидорли ёшларимизни халқимизга таништириб келмоқда.

Мен ҳам ўзимнинг “Семизликни қўй кўтари”、“Ийглаб борсам, хўнграб чиқди”、“Туркистоннинг рамзига кимлар лойиқ?”、“Олим ва мустиқиллик неъматлари”、“Қулмаганга кул сочма”、“Боболар руҳига таъзим”、“Тарих гувоҳ жасоратлар”、“Овуллар тўғрисида маълумот бор, қишлоқлар тўғрисида-чи?”、“Оққан дарё оқаверади”、“Ким кафолат беради?” каби долзарб мақолаларим билан ҳурматга сазовор бўлдим, элга танилдим.

“Жанубий Қозоғистон” газетасида 20 йилдан зиёд фаолият юритиб, кўплаган олим уламолар, давлат раҳбарлари, таниқли тадбиркорлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг фаолияти, амалга

оширган ишларидан халқимизни воқиф этдим.

ҚР Давлат муқофоти совриндори, ЖҚВнинг “Фахрий фуқароси”, кашфиётчи кимё-таҳкамлашга оид ранг-баранг Исломқул Мирҳолдоров, таниқли файласуф олим Жондор Тўланов, иқтисод фанлари доктори Иброҳимжон Искандаров, техника фанлари доктори Эркин Ўлжаев, тиббий фанлари доктори Озод Тошпулатов, Халқ дўстлиги университети ректори Рабиға Қуатбекова, Шимкент олий педагогика коллежи президенти Ифтихор Юнусов ҳамда таниқли меценат, тадбиркор 2000дан зиёд фуқароларни иш билан таъминлаган, “Алтын журак”, “Жыл меценаты” ва бошқа орден, медаль ва кўрак нишонлари соҳиби Абдуқаҳор Файзахмедов, тадбиркорлар: Файзулла Эрметов, ака-ука Шухрат, Файрат Рўзиматов, Неъматжон Холметов ва бошқа эл эъозидидаги инсонларни муштарийларга таништириб, уларнинг ибратли фаолиятини газета саҳифаларида акс



эттирдик. Ушбу маъсуляти фаолият давомида журналистлар: Муроджон Абубакиров, Авазхон Бўронбоев, Шомирза Мадалиев, Зокиржон Мўминжонов, Мухтабар Усмонова, Мунира Саъдуллаева, Наргиза Мавлонова, Хуршид Қўчқоров, Моҳида Йўлдошева, Малика Элтоеваларнинг хиссалари беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Фурсатдан фойдаланиб, тахририят ходимларининг барчасини байрам билан табриклаяман. Ижодларига муваффақият, ўзларига соғлиқ-омонлик тилаяман!

Ҳайитмат МУҲИДИНОВ,
фахрий журналист.

Абдумалик САРМОНОВ,
Қозоғистон Республикаси
Президенти Телерадио
мажмуаси “Silk Way” телеканал
ўзбек тахририяти таржимони.

ЎРАНҒАЙ ВА ЯССИ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ОРАСИДА

Саврон тумани Ўранғай қишлоғидаги кўп йиллик обуначиларимиз – қишлоқ оқсоқоллари сардори Обиддин Фахриддинов (10 нусха), тadbиркорлар Айтжан Муҳиддинов (20 нусха), “Фахри бетон” МЧБ (20 нусха), Абдулазиз Абдумуталлиб ўғлини (5 нусха) ибрат қилиб кўрсатамиз.

Нуржан Қадиров раҳбарлик қилаётган М. Аvezов номли умумтаълим мактабида кутубхоначилар Шарипа Нусқабаева, Алмагул Турисбековаларга тахририятнинг обун ҳақидаги мактубини тақдим этиб, тасвирга олдим. Сўхбат чоғида Ш. Нусқабаева газетани чоп этилаётган мақолалар учун миннатдорчилик билдириб, келаси ярим йилликка ҳамкасби А. Турисбекова ҳамда устозлар жамоаси билан



лик қилаётган Тўлебий номли мактабда Ясси қишлоқ ўЗЭМ раиси Ғанишер Нейматов, кутубхоначи Юлдуз Ҳазметова билан сўхбатда бўлдим. Директор 20 нусхалик кўрсаткич келаси ярим йилликка давом этишига ишонч билдирди.

4-сонли умумтаълим мактабида директор ўринбосари Абдурайим Мамбетов, психолог устоз Отабек Умаров, кутубхоначилар Куланди Валиева ва Света



Маханбетовалар билан сўхбат чоғида 15 нусхалик обун кўрсаткичи давом эттирилди. Мактаб ҳовлисида фаол обуначимиз, хўжалик ишлари бўйича масъул Султанхан Ҳазметов ходимлар билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланаётганини кўриб, омад тиладим.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: М. Аvezов номли мактаб кутубхоначилари Ш. Нусқабаева ва А. Турисбекова; 3-сонли мактаб директори вазифасини бажарувчи Н. Абуов ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси Р. Ёқубов; Тўлебий номли мактаб директори Х. Ҳасанов қишлоқ ўЗЭМ раиси Ф. Нейматов ва кутубхоначи Ю. Ҳазметова; 4-сонли мактаб директори ўринбосари А. Мамбетов ҳамкасблари О. Умаров, К. Валиева, С. Маханбетовалар билан.

Муаллиф суратга олган.

ҚАРНОҚ ВА ЧОШТЕПА ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ МАКТАБЛАРДА

Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари, Туркистон шаҳар ўЗЭМ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, қарноқлик Тўлқин Саидмуродов ҳамроҳлигида Қарноқ ва Чоштепа қишлоқларидаги умумтаълим мактабларида муштарийлар билан учрашдик.



Артур Асов раҳбарлигидаги М. Қошғарий номли мактаб жамоаси 100 нусха газетани обун бўлган. Шу кўрсаткич давом эттириш хусусидаги тахририят мактубини 20 нусха газетани ҳомийси, устоз ёзувчи Долимжон Сайфуллаев билан котиба ходимага тақдим этдим.

Чоштепа қишлоғида-



Мактаб мажлислар залида шаҳар маслаҳати депутати, Қарноқ қишлоғи ўЗЭМ раиси, 20 нусха газетани ҳомийси Бекзод Ҳабибов иштирокида вилоят ўЗЭМ қошидаги Оналар кенгаши анжумани юксак савияда ташкил этилганлиги шохиди бўлди. Достон Абдалиев раҳбарлик қилаётган “URKER” мактаби жамоаси ҳам 40 нусхалик кўрсаткич кўпайтирадиган бўлди. Барча мактаб раҳбарлари, устозлар аҳли билан сўхбат чоғида атоқли адиб, киндик қони шу заминда томган Одил Ёқубов таваллуднинг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни уюшқоқли ўтказиш – ёш авлодга унинг ҳаёти ва фаолиятини ибрат сифатида ўргатиш учун кенг тарғиб қилиш ҳақида келишилди.

Жорий йил 26 октябрга қадар Одил Эгамберди ўғлининг таваллуд тўйи доирасида хотира тадбирлари ташкил этилса, нур устига нур. 35 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” нашри ахборий кўллов кўрсатишда давом этади.



Ш. МАДАЛИЕВ.

ги мактаб директори Улуғбек Бойметов биларни хуштавозлик билан қарши олди. Кутубхоначи Мақсуда Дадахон қизи билан бамааслаҳат ҳолда обунда аввалги кўрсаткич сақланиши ҳақида ишонч ила ваъда берган директор йил бошидан эътиборан Кентов шаҳридаги мактаблар устозлари экология учун қўшимча ҳақ олаётганлигини таъкидлаб, давлатимизга ушбу ғамхўрлик учун шукрона ила миннатдорчилик билдирди. Баҳром Мирзаев раҳбарлик

қилаётган “Ақын-тўма” умумтаълим мактабида директор ўринбосари Камола Низомова ва кутубхоначи Юлдуз Жанақова билан сўхбатлашиб, тахририят мактубини тақдим этдим. Мактаб жамоаси 60 нусха газетани обун экан.

“Қарноқ” умумтаълим мактаби директори Мансур Матмусаев сўхбат чоғида кутубхона мудираси Рашида Собирова билан бамааслаҳат ҳолда обунани аввалги ярим йилликка нисбатан кўпайганлигини таъкидлаб, таклифларини ҳам баён этди.

Тасвирларда: Чоштепа мактаби директори Улуғбек Бойметов ва кутубхона мудираси Мақсуда Дадахон қизи; “Ақын-тўма” мактаби директори ўринбосари Камола Низомова ва кутубхоначи Юлдуз Жанақова; Қарноқ мактаби директори Мансур Матмусаев ва кутубхоначи Рашида Собирова; URKER мактаби директори Достон Абдалиев.

Муаллиф суратга олган.

»» Матбуот кеча ва бугун

ЧУҚУР ДАРЁ СОКИН ОҚАДИ...

Янгиланиш тушунчаси ҳеч қачон таърихий таъриб ва миллий аънаваларни инкор этишни аналитиклиги керак. Аксинча, замон синовида ўтган илгор аънавалар янгиланишнинг мустақам пойдевориға айлиниш лозим. Агар янгиланиш халқнинг миллий-маънавий илдириларидан узилиб қолса, у муқаррар равишда хато йўлга бошлайди.

Бу фикрлар журналистика соҳасига ҳам бевосита тааллуқли. Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда бироз эътибордан четда қолаётган, ўтган асрда эса публицистикнинг етакчи жанрларидан бири бўлган очерк жанрига янада жиддий қараш зарур.

Очерк – адабиёт ва журналистика кесибан нуқтада пайдо бўлган ўзига хос жанр. Ижодкор йўналишсиз ёза олмайди, чунки йўналиш – бу жанрдир. Жанр эса муаллифни ҳам, ўқувчини ҳам муайян мақсад сари етаклайди. Очерк айнан шу жиҳати билан қимматли: унда ҳам бадиийлик, ҳам публицистик таҳлил уйғунлашади. Машҳур публицист Анатолий Аграновский таъкидлаганидек, “очерк – ҳикоя билан тадиқотнинг уйғунлигидир”. У на соф бадиий асар, на қуруқ таҳлил, балки ҳар иккисининг энг муҳим жиҳатларини ўзида жамлаган жанрдир.

Очерк жанрининг илдирилари жуда чуқур. Буни адабиётшунослар ҳам исботлаб келмоқда. Масалан, портрет ва сафарнома очеркларининг илк намуналарини Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоис” асарида, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида кўриш мумкин. Навоий ўз асарида юзлаб шоирларнинг шахсияти ва ижодиға қисқа, лўнда ва аниқ тавсиф беради. Унинг ҳолис ва адолат-

ли баҳолари ўқувчи хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Сўнгги йилларда газетамиз саҳифаларида “Инсон ўзинг”, “Одамлар орасида”, “Яхшилардан сўз очдик” каби рўнқлар остида очерклар чоп этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад – ҳамюртларимиз ҳаётини ёрқинроқ кўрсатиш, айниқса, портрет очерклари орқали ибратли инсонлар образини яратишдир. Бундай мақолалар ўқувчини билимли, фаол ва онгли бўлишга ундайди, жамият тараққиёти етук инсонларга боғлиқ эканини англатади.

Бугунги замон эса шиддат билан ўзгармоқда. Ҳар кун, ҳар соат дунёнинг турли бурчакларида янги гоё ва ташаббуслар пайдо бўлмоқда. Замонавий технологиялар инсон ҳаётини енгиллаштирмоқда. Шундай бир даврда журналист ўзгаришлар моҳиятини бошқалардан илгарироқ англаб, унга мослаша олиши керак.

Шу ўринда савол тугилади: бугунги Қозоғистон журналисти замонавий, халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассис даражасига етдиими?

Янгиланган тайёрлашда тезкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Афсуски, айрим ҳолларда хабарлар кечикиб эълон қилинмоқда. Ваҳоланки, бугун ахборот маконида, ҳатто, дақиқалар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тезкорлик – таъсир доирасини кенгайтирадиган, рақобатда устунлик берадиган омилдир.

Айни пайтда мамлакатимизда ОАВ ва ахборот соҳасининг тараққиёти учун ҳуқуқий асослар мустақамланмоқда. Бу эса журналистиканинг эркин ва жадал тараққиётига хизмат қилмоқда.

Албатта, бугунги журналистларни маъ-

лум маънода замонавий, деб айтиш мумкин. Чунки улар замонавий техника ва технологиялардан фойдаланмоқда: телеканаллар сунъий йўлдош орқали эфирга узатилапти, интернет нашрлар сони ортиб бормоқда, босма ОАВ сифати яхшиланмоқда. Рақобат муҳити эса сифатини янада оширмоқда.

Бирок замонавийлик фақат техника билан ўлчанмайди. Журналистнинг фикрлаш доираси, дунёқараши ва билими ҳам замона мос бўлиши шарт. У соҳадаги янгиланган хабардор бўлиши, янги технологияларни тез ўзлаштириши, халқаро меъёрлар ва атама-ларни билиши зарур.

Хориж таърибаси шуни кўрсатадики, журналистлар шахсий сайтлар юритади, ўқувчилар билан бевосита мулоқот қилади. Онлайн анжуманлар, блоглар ва иختисослашган дастурлар орқали улар доимий равишда таъриб алмашиб боради. Масалан, Россиядаги “Профессионал.ру” каби платформалар журналистлар учун муҳим мулоқот майдонига айланган.

Ахборот-алоқа технологияларидан самарали фойдаланиш бугун ҳар бир тахририят учун устувор вазифадир. Замонавий технологияларни инкор этган киши замондан орқада қолади. Бу эса нафақат унинг фаолиятига, балки атрофидаги авлодлар билан муносабатига ҳам таъсир кўрсатади.

Хулоса шуки, замонавий журналист – бу тезкор ахборот етказувчи, чуқур таҳлил қилувчи, умуминсоний қадриятлар ва дунёвий ўзгаришлар ўртасида мувозанатни топа оладиган ижодкордир.

Авазхон АБДУФАТТОВ.

“Саёз дарё шарқираб, чуқур дарё сокин оқади”, деган ҳикматни юзаки ва чинакам публицистик асарларга нисбат сифатида бериш мумкин.

Сайди УМИРОВ,
адабиётшунос.

ЭНГ ОЛИЙ ИШОНЧ

Ушбу мақола “Энг олий ишонч” мақоласининг давоми бўлиб, унда 1991 йилдан буюн “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида эълон қилинган муҳим мақолалар қисқа шаклда жамланиб, улар орқали давр руҳи, долзарб муаммолар ва жамиятда кечган ўзгаришлар акс эттирилган.

А. Наметовнинг “КПСС аъзоси бўлганим учун айбдор-манми” мақоласидан:

“Мен ёшлимдан ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиганман. Ота-онамдан эрта етим қолдим. Шўролар мамлакатиди, яхши одамлар гамхўрлигида саводли ва оилали бўлдим. Ватаним бўлган ССЖИнинг гуллаб-яшнаши, халқлар дўстлиги, уларнинг тинч-топув яшаши ҳамда мамлакатимизда социализм ва коммунизм жамиятини қуриш шори остида мен ҳам кўплар қатори яхши умид-истақлар билан, халқимизга хизмат қилиш мақсадида Коммунистик фирқа сафига ўтганман...”

“Дўстлик байроғи”, №70 1991 йил 3 декабрь.

Аваз Қўзининг “Нашаванд эмишман” ҳажвиясидан:
“Кимга қараманг, нима, нашавандимсан, рангинг синиқ, кўзинг ичига ботиб кетибди, дейди. Тавба, ҳозир соғ одам бор эканми? Ҳамма – нашаванд”. Заводлардан, машиналардан чиқаётган захарли тўтун, ислар нашадан камми? Агар халқ, милициямиз ишга энг шимариб киришса, бу атрофда нашаванд сифатида қамалмаган одам қолмасдиёв...”

“Дўстлик байроғи”, №78 1991 йил 31 декабрь.

“Мираҳмад Мирҳолдор ўғлининг “Сайрам тарихи” рисо-ласи” мақоласидан:

“70-йиллари хизмат юзасидан Москвада бўлганимда муҳим бир йўналишда иштирок этганим. Мажлис кўпга чўзилди чамаси, опти соат давом этди. Мажлис пировардида раислик қилувчи муҳтарам зот бир ажиб гапни айтди. Кўзи бирдан менга тушди-ю, тик боқиб “бориб катталарингизга айтиб қўйинг, кейинги пайтларда марказдан чет юртларда (у “периферия” деган сўзни ишлатди) ўз юртини мақташга кўп маҳлиб бўлиб кетишди”, “Фалон асрдаistonчи олимимиз ўтган, фалон шахримизнинг бино қилинганига 2500 йил бўлди”, деб мақтанишайтибдилар”.

“Дўстлик байроғи”, №2 1992 йил 7 январь.

СУРАТЛАРДА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ



Бугунги кунда нафақа гаштини сураётган фотограф, фотомухбир, касб фидойиси Абдували Рўзиматов ўтмишининг ҳужжатларини тасвирларда акс этган ҳақиқий ва ноёб ижодкор. Шаҳримизнинг номи Чимкент пайтидалигидаёқ фотоархив тамал тошини қўйган фидокорни шаҳримиз меҳмонлари, мамлакатимиз тарихини ўрганаётган тадқиқотчилар, этнографлар, қўйинги, жуда кўп соҳанинг вакиллари излаб юришади. Шимкентнинг ярим асрлик, 70 йил аввал тасвирга олинган муаллифлик суратларини, шахсий хотиралари билан боғлиқ суҳбатларини қўмсаб келувчилар бисёр.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг 35 йиллиги нишонланаётган қизгин паллада тахририятга фотомухбирлар устози Абдували Рўзиматовни таклиф қилиб, суҳбат давомида вилоятимизга турли йилларда меҳмон бўлиб келган таниқли инсонларни эсладик.

Уч чорак аср ёшидан ошган суҳбатдошимизни болаликдаги орзулари вилоят Пионерлар саройига етаклади. Фотохаваскорлар тўғрагини юритувчи таниқли сураткаш Илья Васильевич Назаровга шогирд тушди. Устози 7-синф ўқувчиси бўлган шогирдида иқтидор, ноёб истеъдод, ижодкорларга хос ихлос ва илҳом учкунларини кўрди. Падари бузруквори, Эски шаҳар даҳасида соатсоз уста сифатида танилган Ғани ака ҳамда волидаи муҳтарамаси Шириной опа харид қилган илк фотоаппарати “Смена” билан оқар дарёга менгзалган ҳаёт лаҳзаларини муҳрлаш санъатини ўзлаштира бошлади. Изланувчан ва тиришқоқ ўқувчи суратларини Иттифоқ давридаги турли нуфузли танловларга жўната бошлади. Унинг суратлари турли газеталар саҳифаларини безаб, ўша расмлардаги қаҳрамонлар тақдирлари билан қизиқувчилар кўпайиб, тахририятларга хатлар кела бошлади.

– Устозим Илья Васильевич мени “Южный Казахстан” вилоят газетаси тахририятига олиб келиб, ижодкорларга “бу йигит сизларнинг бўлғуси ҳаммасингиз”, дея таништирди, – хотирлайди А. Рўзиматов. – Бундай деб таништиришининг ҳам сабаби бор эди-да. 1965 йили 15 ёшимда мен туширган илк суратим газета саҳифасида чоп этилган эди. Бундан ташқари суратларим “Ленин учкуни”, “Дружные ребята” газеталарида чоп этилиб турарди. 1967 йилдан эътиборан, машҳур журналист ва тарихчи Мираҳмад Мирхолдоров муҳаррир муовини сифатида фаолият юритган Сайрам туман “Меҳнат байроғи” газетасида мен туширган суратлар чоп этила бошлади. Совет Иттифоқининг 50 йиллигига бағишлаб, Москвада фотосуратлар танлови ўтказилди. Ўша даврларда уларни фотокарточкалар дейишарди. Танловга 270та сурат юборганман, совринли ўрин беришган. “Ленин учкуни” газетаси уюштирган “Тўёна” фотосуратлар танловида иккита сурат билан иштирок этиб, 1-совринли ўринни эгалладим. 9-синфда металл тўплаб, давлатга топширардик ва эвазига

сифатида фаолиятини бошлади, вилоят, республика ОАВларига турли қаҳрамонлар тасвирларини етказиб бера бошлади.

– Ўша йилларда рус тилида чоп этиладиган газета тахририятига фаол муштарийларимизнинг репортаж, мақола ҳамда суҳбатларини ўзбек тилида ёритишни илтимос қилиб, йўлланган кўплаб мактубларини кўрганман. Уларнинг аксарияти Шимкентда ўзбек тилида газета чоп этилишини сўраб асосан, полиграфия муассасасига хат йўллашарди. Бир неча бор ўша идоралардаги масъулларнинг “Ўзбек муштарийлари рус ва қозоқ тилида газета мутлолаа қилишади ҳамда шаҳарда ўзбек тилида газета чоп этилишига

ли – “Дўстлик байроғи” ҳақиқатан ҳам дўстлик туғи остида аввал тарқоқ ижод қилаётган, маънавиятини юксалтиришга интилаётган ўзбек зиёлиларини ягона даврага жамлаган йил эди. Янги барпо этилган оиллага ҳар ким имкони қадар тўёна олиб боради, янги ташкил этилган тахририят ҳам биз учун ана шундай янги хонадон сингари эди. Имконимиз бўлиб, эвидан чиқсак, янги ташкилотимизга шароит яратишга, кам-кўстини тўлдиришга ҳаракат қилардик. Ёдимда, бир гал ҳамкасбларимизга электр чойнақларини олиб бордик. Ирисали Жуманов, Иброҳим Хуккиев сингари ижодкорлар кўк чой ичиб, ижод қиладиган қаламқашлар эди. Яна бир гал, тахририятда биттагина



гувоҳ бўлганман. Бир тадбирда иштирок этаётсам, вилоят телерадиокомпаниясида фаолият юритаётган ўзбек бўлими муҳаррири Ҳавазмат Кўчқоровни овоз ёзадиган радиоускунаси билан кўриб қолдим: “Газетага боринг, сиз ўша ерда ҳам халқимизга керакисиз”, дея фаолиятга чорлаганман. Кейин шогирдим, фотомухбир Пирмат Тохўжаевни муҳаррирга таништирдим, қатор йиллар мобайнида бинийидек ишлаб юрди. Вақти келиб шогирдим Собиржон Исаматов ҳам тахририятга келди. Шунақа давр келдики, вилоят ҳокимлиги туман ҳокимларига обунани уюшқоқли ташкил этиш топшириғини бериб, тахририят ишларини анча енгиллаштирганди. Газета номи “Жанубий Қозоғистон” деб ўзгартирилди. Қозоқ ва рус тилларида чоп этилаётган газеталар билан мақоми тенглашганини ҳис қила бошладик. Барча муҳаррирлар билан ҳамкорлик қилдим. Марҳум Собиржон Юсуфалиев ҚозССР Олий Кенгашининг депу-

– Севимли шоиримиз Абдулла Орипов раҳбарлигидаги ўзбекистонлик делегация билан учрашувни суратга олиш учун мени юборишди. Шимкент ва Туркистон шаҳарларида учрашувлар ўтди. Шоиримизни мақбара олдида алоҳида суратга туширадиган бўлдим. Бир-икки бор суратга тушгандан сўнг, Абдулла ака менга қараб: “Мақбара билан қўшиб, ойни ҳам кадрга сиғдира оласизми?”, дея сўраб қолди. Купла кундузи суратга олаяман, ой қаердан келсин? Шоирнинг гапидан кейин осмонга қарадим, ёпирай, осмонда ой кўришиб турарди. Шоирлар, бошқалар эътибор беравермайдиган нозик жиҳатларга ҳам назар ташлашларига ўшанда ишонч ҳосил қилдим. Суратга шоир, мақбара ва ойни муҳрладим. “Дўстлик байроғи”нинг илк сонларида ўша суратли мақола чоп этилди.

Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон давлатларининг собиқ раҳбарлари Н. Назарбаев, И. Каримов, А. Ақаев сингари сиёсатчиларни 1993, 1994 йилларда Ўрдабошида, Туркистон шаҳрида тарихий учрашувлар чоғида тасвирга олганман. Таниқли санъаткорлар Рўза Римбаева, Асанали Ашимов, спортчилардан Нелли Ким, сеvimли ёзувчиларимиз Одил Ёқубов, Чингиз Айтматов, Мухтар Шаханов ва кўплаб тарихда ўз ўрнига эга зиёлилар, адиблар, шоирларнинг вилоятимиз ҳаётидаги иштирокини тарихга муҳрладим.

Жуда кўп тарихий китоблар, рисола-ларда суратларим киритилганлигидан ва бу ишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан мамнунман. Бир сурат – тарихнинг бир зарвароғи. Тарих сурат билан ёзилади. Китоб жавонларимни буюк шахсларнинг дастхати битилган асарлари безаб турганлиги соҳамдаги бир неча ўн йиллик фаолиятимдан даракдир.

– **Сунъий идрок деярли ҳар бир соҳага шиддат билан кириб келяпти, ҳар соҳада тараққиёт нафаси ҳис қилинмоқда. Бу ҳолатга қандай қарайсиз?**

– Қанчалик тараққиёт асри бўлмасин, техника ютуқлари инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, ҳаяжонларини ифода-лай олуш қудратидан ожиз. Ижтимоий реализм тамойилларига кўра, ҳар бир тасвирга олиш жараёнида “ҳамма нарса инсон учун ва инсонлар билан” шioriрга асосланиб жоиз, деб уйлайман. Ҳар бир кадрда инсон ёки тирик жонзот бўлиши даркор. Яхши сурат одамда ҳиссиёт уйғотиши керак. ҚазТАГ фотомухбири Адил Идрисов, Илья Чубарь, Уркумбек Елеубеков менга устозлик қилишди. Жумамурат Туяқбаев бошқарган “Шымкент келбети”, “Панорама Шымкент” газеталарида фаолият юритиш бахти насиб этди. “Қозоғистон халқ маорифи аълочиси” сифатида вилоят ва Шимкент шаҳрини бошқарган ҳокимлардан ташаккурномалар, фахрий ёрлиқлар олдим.

Севимли шоиримиз Омон Матчон қаламига мансуб, хонандалар жўшиб куйлаётган: “Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас”, мисралари, афсуски, ҳаётда ўз аксини топаётганидан куюнаман. Инсон қадрини йўқотмаслиги учун даврий нашрларни, китобларни мунтазам ўқити керак. Ёш авлод биздан бахти олсинлар. Она тилимиздаги нашрнинг баракали 35 ёши барча муштарийларга муборак бўлсин! Сизларга доимо ижобий қаҳрамонлар дуч келсин. Уларнинг самимий, илҳомбахш суҳбатлари кенг оммани ўйлантирсин, руҳлантирсин, содиқ муштарийлар сафи кенгаверсин.

Мунира ЖАМОЛИДДИН ҚИЗИ.



эҳтиёж йўқ”, мазмунида жавоб берилганига ҳам гувоҳ бўлганман.

Кейинроқ халқимиз фидойилари – Шимкент шаҳар масжидининг ноимоми Шукрулло ҳожи Муҳаммаджонов, таниқли олим Собиржон Нурматов ва кўплаб фаоллар иштирокида ўзбек маданият марказини ташкил этиш, ўзбек тилида газета нашр этиш каби маънавиятимизни, маданиятимизни ривожлантиришга бағишланган ташаббуслар илгари сурилганини ва халқимиз ойдinлари, зиёлилари меҳнати билан жуда кўп эзгу ишлар амалга ошганлигига гувоҳ бўлганман ва уни суратларим билан тарихга муҳрладим. Шулардан бири – “Дўстлик байроғи” газетаси эди. Нашрнинг нишона сони учун мақолалар жамлаш,



телефон борлигига эътибор бердим. Журналистлар ахборотни телефон орқали олишади, телефон муҳаррир хонасида эди. Бўлам, катта идора раҳбари Маҳмуджон Эшматовни таваллуд куни билан табриклагани бориб, хонасидаги тугмачали телефонларни кўриб: “Имкон бўлса, ўзбек тахририятига ҳам шундай телефон керак, журналистлар учун зарур алоқа воситаси”, дедим. У телефон гўшагини кўтариб: “Кечаги келтирилган тугмачали телефон ускуналаридан иккитасини олиб кириб”, дея буйруқ берди. Хурсанд бўлиб кетдим. “Қаловини топса, қор ҳам ёнганидек”, имкони топилди. Муҳаррирга телефонларни етказиб бердим, жамоа хурсанд бўлди.

– **Абдували ака, дастлабки йилларда обунани қандай уюштиргансизлар?**

– Вилоятимиздаги ўзбек мактаблари, зиёлилар, туманлардаги фаоллар, масжидларда обунани уюшқоқли ташкил этила бошлади. Тўғри, дастлаб, осон бўлмади, янги нашрни ўқувчиларга аввал таништириш керак. Билимга, илмга чанқоқ халқимиз вакиллари, муаллимлар – оилада маош оладиган барча аъзолар, ҳатто икки-уч нусхадан газетага обунани бўлишни бошлашди. Масжидлар намозхонларига ҳам ҳар бир учрашувда батафсил маълумот берилиб, 10та, 20талаб обунани кўпайтиришга киришиб кетишди. Қаҳрамонларни тасвирга олиш, ўзим ишлаётган газетага мақола тайёрлаш асносида халқимиз вакиллари ишлаётган жамоаларга топшириқ билан йўллашса, “Южанка” билан бирга, “Дўстлик байроғи”га ҳам обуначиларни жалб қилардик, қаҳрамонлар чиқса, ўзбек тилида мақола беришлари мумкинлигини тушунтирдим. Кўплаб ҳамюртларимнинг хурсанд бўлганларини, она тилида газета ўқиш имкониятидан мамнун бўлганларига



Москвага саёҳатлар уюштирганмиз. Ўқувчилек кезларим ана шундай таасуротларга бой кечган. “Еш техник” вилоят станциясида фотосуратчилар тўғрагини бошқардим.

Армияда йигитлик бурчини ўтаб келгач, 1971 йили Шимкент Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида ўқишга кирдим. Уни муваффақиятли тамомлаб, ўша станцияда услубиятчи вазифасида фаолият юритдим. Ўша йилларда уяли телефонларнинг йўқлиги туфайлими, жуда кўп ўқувчилар турли тўғаракларга қатнашиб, мураккаб техник конструкцияларини ўз кўли билан тайёрлашарди, турли танловларда голибликни кўлга киритишарди ва болаларнинг бўш вақти бўлмас эди.

...1986 йили қаҳрамонимиз тақдир тақозоси билан “Южный Казахстан” газетаси тахририятда фотомухбир

суҳбатлар уюштириш борасида бироз тажриба тўплаганим боис, тахририятга имкон қадар ёрдам бериб турдим. Она тилимиздаги газетанинг тақдир фаолиятимда муҳим ўрин эгаллади. Дастлаб Оқсувкент қишлоғидаги туман газеталари тахририятда Собиржон Юсуфалиев раҳбарлигида қизгин фаолият бошланиб кетди. Катта қоғоз кутини тўлдириб, турли йилларда олинган ва газета саҳифаларида чиқмаган суратларимни тахририятга етказиб бердим. Давр талабига кўра, бирор газета саҳифаларида чиққан суратлар бошқа газеталарда чоп этилмаслиги керак эди. Шоирлар, ижодкорлар ўзбек газетасига ижод намуналарини етказиб беришарди. Барчанинг кўнглида хурсандчилик – ахир расмий Москва вилоятда ўзбек тилида чоп этиладиган вилоят газетасининг очилишига рухсат берганди-да. Мустақиллик йи-

ОЛИЖАНОБЛИК УРУҒИНИ ЭКИШ ЙЎЛЛАРИ

Бутун умрини болалар таълим-тарбиясига сарфлаб, фахрий ҳордиққа чиққанда ҳам маърифат ва маданият дея, ўзгаларга кўп фойдаси тегаётган инсонлар бор. Раҳбар Отаметова шундай фидойилар сирасидан.



Қарноқ қишлоғи, “Қарноқ” умумий таълим мактабиди (директори Мансур Матмусаев) семинар ўтди. ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти ва Қарноқ қишлоғи ўЗМБ қошидаги Аналар кенгаши (раисалари Гулчеҳра Исмоилова ва Раҳбар Отаметова) ташкилотчилигида уюштирилган бу тадбир миллий оркестр ижросида куй-қўшиқлар, карнай-сурнай садолари билан бошланди. Семинарни Қарноқ қишлоғи ўЗМБ раиси, Кентов шаҳар маслаҳати депутати Бекзод Ҳабибов кириш сўзи билан очиб, бош мезбон “Ҳарк” хусусий мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими Р. Отаметова “Бахтли она – тарбияли фарзанд калити” мавзусида маъруза қилди.

“Ибодат келини – оила кўрки” мавзусида “Шаштўбе” мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Камола Мамадалиеванинг очик дарсидан сўнг “Она уйига қайтган қиз” видеолавҳаси намойиш этилди.

Кентов шаҳрининг фахрий фуқароси, “Соғдиана” болалар богчаси муассиси Дилдор Ҳабибова, “Қарноқ” мактаби устозлари Доно Отаметова, Наргиза Тоирова, Мунира Мамадалиева, ўқувчиси Хонзода

Сайдуллаева, М. Қошғарий номидаги мактаб руҳшуноси Дилфуза Отаметова, “Ақын Тўма” мактаби муаллималари Шаҳноза Отахонова ва Одина Вафоева иштирокидаги қизиқарли мулоҳазалар бугунги ёш авлодни тўғри йўлга солишда фойдали бўлган усуллар сифатида тавсия этилди.

Тароз, Шимкент, Туркистон, Кентов шаҳарлари, Қазигурт, Тўлебий, Мақтаарал, Саригоч, Сўзқ, Саврон туманларидан келган меҳмонлар кўпжа қизиқарли маълумотларга эга бўлишди. Ҳазорат фикр алмашувлар, тақлиф-мулоҳазалар

келгуси фаолият учун яхши бир чорлов, янги режалар туғилишига туртки бўлди.

Тадбирда шунингдек, Бекзод Ҳабибов фаол онахонларга мукофотлар, совға-саломлар топширди.

Семинар натижасини эълон қилган Р. Отаметовага эса бугунги она ва боланинг маънавий юксалишини, саломатлигини уйлаб, эл-юрт равнақига қўшаётган ҳиссаси учун эзгу тилаклар билдирилди.

“Жанубий Қозғоғистон” мухбири.

»» Тўйхат ўрнида

Сиз каби
устознинг
борлиги
бахт...



Ж. Ташенев университетининг фахри, PhD доктори, талабаларнинг севимли устози Шаҳло Норалиеванинг таваллуд айёми муносабати билан бу кун у инсон ҳақида қалам тебратишни жоиз кўрдим.

Ҳаётда шундай инсонлар учрайдики, уларнинг борлигиёқ атрофга маъно, қалбларга илиқлик ва руҳга илҳом бағишлайди. Улар оддий касб эгаси эмас – улар бутун бир авлод тақдирига таъсир кўрсатувчи, қалбларга йўл топа оладиган, одамни инсон қилиб тарбиялайдиган улғу шахслардир. Сиз ана шундай нурли ва қадри инсонлардан бирисиз, Шаҳло Жамол қизи. Сизнинг номингизни тилга олган ҳар бир талаба қалбда ҳурмат, миннатдорлик ва самимий муҳаббат уйғонади. Чунки сиз биз учун фақат устоз эмассиз – сиз ишонч, суянч ва илҳом манбаисиз. Сизнинг ҳар бир сўзингиз, ҳар бир қарашингиз, ҳар бир сабоҳингиз ортида улкан меҳр, чексиз сабр ва юксак масъулият мужассам.

Сиз берган билим шунчаки дарс эмас, бу – ҳаёт сабоғидир. Сиз онгимизга синадирган тушунчалар фақат китоб саҳифаларида қолиб кетмайди, балки қалбимизга муҳрланиб, келажак йўлимизни ёритиб боради. Сиз бизга фақат фанни эмас, балки орзу қилишни, мақсад сари интилишни ва энг муҳими – инсон сифатида яшашни ўргатмоқдасиз.

Баъзан ҳаёт синовларида инсон йўлини йўқотгандек бўлади. Ана шундай пайтларда сиздек устознинг борлиги – бу катта бахт. Сизнинг пурмаъно сўзларингиз, самимий муносабатингиз бизга ўз йўлимизни топишга, олға қадам ташлашга ундайди.

Ҳурматли устоз, сиз нафақат дорилфунунимиз фахрисиз, балки ҳар бир талабанинг қалбиди алоҳида ўрин эгаллаган ноёб инсонсиз. Сизнинг меҳнатингиз, сабрингиз ва фидойилигингиз олдида бош эгамиз.

Бугун – сиз таваллуд топган муборак кунда, энг эзгу ва самимий тилакларимизни изҳор этамиз, мустаҳкам соғлиқ, узок умр ва тўқин ҳаёт тилаймиз. Ҳар бир кунингиз бахт ва қувончга тўла бўлсин. Оилангиз билан бирга бахтли, саодатли ва фаровон ҳаёт кечираверишингизга тилакдошимиз. Фарзандларингиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг.

Ҳурматли Шаҳло Жамол қизи, сизга бўлган меҳримиз ва ҳурматимиз беқиёс. Бу тўйгуларни сўз билан тўлиқ ифода этиш осон эмас, аммо бир нарса аниқ – сиз бизнинг қалбимиздасиз.

Шу ўрнида яна алоҳида таъкидламоқчиманки, устоз сизни жудаям яхши кўраман. Сиз мен учун нафақат устоз, балки онам каби азиз ва мўътабар инсонсиз. Сизнинг меҳрингизни, эътиборингизни ва ғамхўрлигингизни ҳамиша қалбимиз ҳис қилиб юраман. Сиздек устозим борлигидан фахрланаман ва бу бахтни доимо қадрлайман.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Илоҳим, юзингиздан табассум аримасин, қалбингиз доимо бахтга тўлиб юрсин. Ҳаётингиз ҳамиша нурли, омадли ва баракали бўлсин!

Чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила “Ўзбек тили ва адабиёти” бўлимида таҳсил олаётган талабаларингиз номидан
Мухлиса ЭШОНҚУЛОВА.

КИТОБ ЎҚИМОҚ – КЕЛАЖАКНИ ЯРАТМОҚДИР

113-сонли Ал Форобий номи умумий ўрта мактабда “Китоб мутлоа қилувчи миллат” дастури доирасида кутубхоначилар Наргиза Нурметова ва Нигора Турсуметова ташаббуси билан “Энг илғор китобхон – 2026” мавзусида 6-7-синфлар ўртасида танлов уюштирилди.



Ушбу танлов китобхонлар сафини кенгайтириш ва сўз бойлигини ошириш, мустақил фикрлаш, воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо бериш, одоб-ахлоқда ибрат бўлиш фазилатини шакллантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказилади. Тадбир туфайли ўқувчилар ўқиган китоблари мазмунини сўзлаб, фикр-мулоҳазаларини билдириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш имконига эга бўлишмоқда.



Ҳакамлар ҳайъати аъзолари А. Шодибеков, Ф. Убраева, К. Кўркенбаева ва Г. Эгамбердиева ўқувчиларнинг иштирокини уч шарт асосида баҳоладилар.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин С. Толиббоев, А. Толиббоевга, 2-ўрин Х. Ўсмоналиева, С. Юнусалиев ва 3-ўрин А. Хонхўжаева, Ж. Бахтиёров ва Ш. Эгамовларга насиб этди. Голиблар мактаб директори Н. Жаматовнинг қимматбахо совғалари ҳамда ташаккурномалари билан тақдирландилар.

– Маънавий етук жамиятни мутлоасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсоннинг китоб ўқиганлиги унинг одоби, муомаласи, одамлар билан мулоқотда ўзини бошқара олиши, бошқаларни тинглай билиши, масъулияти, жавобгарлик ҳиссини сезиши каби омилларда баён бўлади. Шунинг учун ҳам китоб ўқиш эҳтиёжи маънавият-ли жамият учун ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади, – деди мактаб директори.

Азизхон ШОДИБЕКОВ,
қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси.



Шоҳдодит

“КўНГУЛ ҲОЛАТИ СЎЗ ДЕГАЧ
БИЛГУРУР –
КИ, МАХЗАНДА ДУР Ё
САДАФРЕЗАДУР”.
Алишер НАВОИЙ.

(Мазмуни: “сўзингга қараб, кўнглингни билиш мумкин: бу хазинада дур борми ёки садаф синиғи?”)



ШАРОФ
УБАЙДУЛЛАЕВ:
– ЯХШИ МАҚОЛА ЁЗИШ
200 ГРАММ ҚОН ТОПШИ-
РИШДАН ҚИЙИН...



МИНГ ОДАМ ЎТИБ КЕТИБ
КЎРМАГАН НАРСАНИ МИНГ
БИРИНЧИСИ, АГАР У ЖУР-
НАЛИСТ – МУХБИР БЎЛСА,
КЎРАДИ.

Михаил КАЛИНИН.

ЖУРНАЛИСТИКА ВА ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАҚИДА



• Муаллим ила муҳар-
рир миллатнинг икки қў-
лидир.

Саидризо АЛИЗОДА,
жаҳид.

• Журналистика – ку-
риш ҳам, йўқ қилиш ҳам
мумкин бўлган kuchли во-
сита. Биз ундан масъу-
лият билан фойдалани-
шимиз керак.

Жерми ПАХМАН,
британиялик
тележурналист.

ЭЪТИРОФ

Газета таҳририяти ходимла-
ри филнинг меҳнатини қилади,
ўзиям... Шоир деганлари кўнглига
илҳом келганда ёзади, журналист-
лик қийин, на оёғинг, на қулоғинг,
на ручканг тинади...

Тура СУЛАЙМОН,
шоир.



ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАҚИДА

Агар кўпчилик сизни ёқтирса –
зўрсиз, кўпчилик ёмон кўрса –
энг зўрсиз!

Жозе МОУРИНЬО,
футбол тренери.

ЖУРНАЛИСТ, ПУБЛИЦИСТ, ТАРЖИМОН, “ХАЛҚ СЎЗИ” ГАЗЕТАСИНING АСОСЧИСИ ВА БИРИНЧИ БОШ МУҲАРРИРИ АҲМАДЖОН МУХТОРОВ (1936-2000) ДЕЙДИЛАРКИ...

• Ҳақиқий журналист жасур, ростгай ва яратувчи бўлиши керак, вайрон қилувчи эмас. Шахсий манфаат учун маддоҳлик қилиш – қалам соҳибининг иллати. Ажабланирлиси, бугун цензура йўқ, лекин кекса авлод эркин фикрлашдан кўрқадди, ёшларда эса жасорат етимишайди.

• ... Абдураҳмон Жомийнинг насиҳати менинг шiorим бўлган ва бўлиб қолади:

Рост изла, рост қара, рост танла,
Рост гапир, рост эшит, рост ўтир!

• ... Кимдир ёзган экан: “Мен ўнта журналистдан ўнта вазир ярата оламан, лекин ўнта вазирдан битта журналист яратиш – бу мушкул”.

• Газета – оқ дастурхон. Ундаги неъматларнинг ҳаммаси халқники. Покиза, бағрад улар. Шу сабаб ҳам газетачи оқ кўн-
гил, оппоқ, покиза қалб билан қўл узатмоқ даркор.

• Газета – инсоннинг тафаккур маҳсули, китобдан-да, улғуроқдир, сабаби, у муттасил янгиланиб, жозибаланиб туради.

• Газета – тафаккур, Яратганнинг руҳи ва нурлари синган.



УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ МАХМУД САЪДИЙ ДЕЙДИЛАРКИ...

- Журналист – миллат виждони.
- Устозлар айтмоқчи – журналистнинг нони қаттиқ.
- ... журналистнинг сўзи билан иши бир бўлишини, айтганини қиладиган инсон бўлишини истаймиз. Назаримда, ана шундай журналистлар (одамлар) кам бўлган мамлакатни kuchли мамлакат деб айтиш мушкул.
- ... ҳақиқий журналистда ватанпарварлик ҳисси қоғозда эмас, унинг амалида бўлади.
- Виждонли журналист. Бундай мутахассислар қандай тайёрланади? Уни ҳеч бир таълим муассасаси тайёрлаб беролмайди. Мен виждонли бўлиш оладан бошланади, деб ўйлайман.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонида 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-online” МҲБ босяқонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Бўғимма
678.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ.ЮНОВА.